

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
МАРКАЗИ**

**“ПЕДАГОГИК ФАНЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ ВА  
ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ”  
модули бўйича**

**ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тузувчи: доц. Б.Х. Ходжаев**

Тошкент – 2014

## МУНДАРИЖА

ИШЧИ ДАСТУР .....	2
ТАҚВИМ МАВЗУЙӢ РЕЖА.....	9
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ.....	10
МАҶРУЗА МАТНИ.....	41
ТЕСТ САВОЛЛАРИ.....	61
НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ .....	65
МУСТА҆ИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛЛАРИ.....	67
ГЛОССАРИЙ.....	68
ДИДАКТИК ВА ТАР҆КАТМА МАТЕРИАЛЛАР.....	72
АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	77

## **ИШЧИ ДАСТУР**

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

#### **“Педагогиканинг долзарб масалалари ва замонавий концепцияси”**

**модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини педагогиканинг замонавий муаммолари ҳақидаги билимларини такомиллаштириш, педагогик муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш ва баҳолаш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

#### **“Педагогиканинг долзарб масалалари ва замонавий концепцияси” модулининг вазифалари:**

- педагогик фаолият, олий таълимда ўқитиш жараёнигини технологиялаштириш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни аниқлаштириш;
- тингловчиларнинг педагогик муаммоларни таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш;
- педагогик муаммоларни ҳал этиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этишга ўргатиш.

### **Модулни ўзлаштиришга қўйиладиган талаблар**

**“Педагогиканинг долзарб масалалари ва замонавий концепцияси”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- педагогик фаолият билан боғлиқликда юзага келадиган муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари; замонавий педагогик атамаларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар; олий таълимда илғор педагогик технологияларни қўллаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлларини билиши керак;
- замонавий педагогик муаммоларга доир кейслар тузиш, улардан амалиётда қўллаш кўникмаларига эга бўлиши зарур;
- педагогик муаммоларни аниқлаш, таҳлил этиш, баҳолаш ва умумлаштириш малакаларини эгаллаши лозим.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Педагогик фанларнинг дидактик таъминоти”, “Педагогик фанларни ўқитишида инновациялар” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг касбий педагогик тайёргарлик даражасини орттиришга хизмат қилади.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Модулни ўзлаштириш орқали тингловчилар педагогик муаммоларни аниклаш, уларни таҳлил этиш ва баҳолашга доир касбий компетентликка эга бўладилар.

### **Модул бўйича соатлар тақсимоти:**

T/p	Мавзу	Назарий	Амалий	Кўчма машгулот	Мустакил таълим
1	Педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари	2		-	-
2	Замонавий педагогик атамаларни қўллаш: муаммо ва ечимлар	2	2	-	-
3	Интерфаол таълимни ташкил этиш: илғор тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил этиш	-	2	-	-
<b>Жами: 8 соат</b>		<b>4</b>	<b>4</b>		-

## **Назарий машғулотлар мазмуни**

### **1-мавзу. Педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ва ҳал этиш стратегиялари**

Замонавий ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган қийинчилар ва уларни бартараф этиш йўллари. Ўқитувчининг инновацион фаолия-тини ташкил этиш ва инновацион салоҳиятини ривожлантириш – долзарб педагогик муаммо сифатида.

### **2-мавзу. Замонавий педагогик атамаларни қўллаш: муаммо ва ечимлар.**

“Методика” ва “технология” тушунчалари: тавсифи, ўзаро алоқадорлиги ва фарқли жиҳатлари. “Интерфаол метод”, “стратегия” ва “график органайзерлар” тушунчалари.

## **Амалий машғулотлар мазмуни**

Кейс: Замонавий шароитда ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган муаммолар. Кейс: Олий таълимда илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш. Кейс: Замонавий педагогик атамалар.

## **Адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, 2011.
4. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини

ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.

8. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005.

9. Актуальные вопросы современной педагогической науки: материалы III Международной заочной научно-практической конференции. 20 ноября 2010 г. / Отв. ред. М.В. Волкова – Чебоксары: НИИ педагогики и психологии, 2010.

10. Байбаева М.Х. Касб-хунар коллежи ўқувчиларининг мустақил ишларини ташкил этишда педагогик технологиялардан фойдаланиш методикаси: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2012.

11. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006. – 160 с.

12. Гейдебрандт К.Ф. Учебный план свободной вальдорфской школы. // Частная школа. – 1997. № 2

13. Гимпель Н.Л. Условия продуктивного разрешения педагогического конфликта. // Психология обучения. – 2002, №7. С. 12-16.

14. Гордон Драйден, Джанет Вос. Революция в обучении. – перевод с англ. – М.: Парвинэ, 2003.

15. Гузеев В. В. Интегральная образовательная технология. – М., 1999.

16. Гузеев В.В. Образовательная технология: от приема до философии. М.: Сентябрь, 1996.
17. Гузеев В.В. Планирование результатов образования и образовательная технология. - М.: Народное образование, 2000.
18. Дьяченко В.К. Новая дидактика. – М., 2001.
19. Ижтимоий педагогика. / Эгамбердиева Н. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 232 б.
20. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов : рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.
21. Загвязинский В.И. Теория обучения. Современная интерпретация. – М., 2001.
22. Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2012.
23. Кашлев С. С. Современные технологии педагогического процесса. Мин.: “Университетское”, 2000.
24. Колесникова И. А. Педагогическое проектирование: Учеб.пособие для высш. учеб. заведений / М: Издательский центр «Академия», 2005.
25. Левина М.М. Технология обучения, роль в структуре педагогического знания. (Разработка и внедрение гибких технологий обучения педагогическим дисциплинам). М.: МГПИ, 1991.
26. Левитес Д.Г. Современные образовательные технологии. Новосибирск, 1999.
27. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006.
28. Монахов, В.М., Бахусова, Е.В., Власов, Д.А. Педагогические технологии как дидактический инструментарий модернизации образования. – М. – Тольятти: ВУиТ, 2004.

29. Монахов, В.М., Бахусова, Е.В., Олейникова, И.А. Педагогическая технология В.М.Монахова от А до Я: самоучитель проектирования учебного процесса: Липецк: ИРО, 2007.
30. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ. Методик қўлланма. 2006.
31. Новые педагогические и информационные технологии в средней школе / Под ред. Е.С. Полат. М., 1999. 224 с.
32. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учеб. пособие для пед. вузов и системы повыш. квалиф. пед. кадров Под ред. Е.С. Полат. – М.: Издат. центр «Академия», 2001.
33. Новый толково-словообразовательный словарь русского языка. Автор Т. Ф. Ефремова. – М.: «Русский язык», 2000.
34. Олешков М.Ю. Современные образовательные технологии: учебное пособие. – Нижний Тагил: НТГСПА, 2011.
35. Сайидаҳмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.
36. Самостоятельная работа студентов: метод указания / сост.: А.С. Зенкин, В.М. Кирдяев, Ф.П. Пильгаев, А.П. Лаш – Саранск: Изд-во Мордов. ун-та, 2009.
37. Селевко Г. К. Саморазвивающее обучение. Ярославль: ИПК, 1996.
38. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: Учебное пособие. – М.: Народное образование, 1998.
39. Селевко Г.К. Энциклопедия образовательных технологий: В 2 т. Т.1. – М.: НИИ школьных технологий, 2006.
40. Современные образовательные технологии: учебное пособие/под ред. Н.В. Бордовской. – М.: КНОРУС, 2010.- 432с.

41. Сенькина Г.Е., Емельченков Е.П., Киселёва О.М. Методы математического моделирования в обучении: монография. – Смоленск.: Смол.гос. ун-т, 2007.
42. Сластенин В.А. Исаев И Ф., Шиянов Е.Н. Общая педагогика. В 2-х ч. – М.:ВЛАДОС, 2003. Ч.1
43. Степанов Р.И. Технологический подход к гуманизации образования. // Наука и образование. – 2003. - № 3.
44. Степихова В. Педагогика Френе в Швейцарии // Частная школа. 1995. №3.
45. Столяренко А.М. Психология и педагогика. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.
46. Столяренко Л.Д., Самыгин С.И. 100 экзаменационных ответов по педагогике: Экспресс-справка для студентов вузов. – Ростов н/Д: МарТ, 2000.
47. Сытин Г. Н. Самоубеждение как средство воспитания и оздоровления личности: Автореферат докторской диссертации на соискание степени доктора педагогических наук: – М., 1994.
48. Технологии обучения: сущность, опыт применения и проблемы развития: Доклады и материалы к научно-практической конференции. – М., 1997.
49. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006.
50. Хупорской А.В. Дидактическая эвристика. – М., 2003.
51. Хупорской А.В. Современная дидактика. – СПб., 2001.
52. Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.

### **Elektron ta’lim resurslari**

1. [www.pedagog.uz](http://www.pedagog.uz)
2. [www.Ziyonet.uz](http://www.Ziyonet.uz)
3. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)

## ТАҚВИМ МАВЗУИЙ РЕЖА

№	<b>Машғулот тури</b>	<b>Мавзу номи</b>	<b>Ажратилган соат</b>	<b>Ой ва кун</b>	<b>Бажа-рил-ганилиги ҳақида маълу-мот</b>	<b>Ўқитувчи имзоси</b>
					<b>Соатлар сони</b>	
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>	<b>4</b>	<b>5</b>	<b>6</b>	<b>7</b>
1	Маъруза машғулот	Педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари	2			
2	Маъруза машғулот	Замонавий педагогик атамаларни қўллаш: муаммо ва ечимлар	2			
3	Амалий машғулот	Замонавий педагогик атамаларни қўллаш: муаммо ва ечимлар	2			
4	Амалий машғулот	Интерфаол таълимни ташкил этиш: илфор тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил этиш	2			
	<b>Жами:</b>			<b>8</b>		

## **ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

### **1-назарий машғулот.**

**“Педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ва ҳал этиш стратегиялари” мавзусидаги маълумотли маърузанинг технологик модели**

<b>Маърузага ажратилган вақт – 2 с</b>	Тингловчилар сони – 50 нафар
<b>Ўқув машғулотининг шакли</b>	Маълумотли маъруза
<b>Машғулот режаси</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Педагог фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг ўрганишнинг зарурияти ва ўзига хос жиҳатлари.</li> <li>Педагог фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари.</li> <li>Касбий етуклик даражаси билан боғлиқликда педагог фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш стратегиялари.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади</b>	Тингловчиларда педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларга доир билимларни таркиб топтириш ҳамда уларни таҳлил этиш кўникма ва малакаларини шакллантириш
<b>Педагогик вазифалар:</b> - педагог фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг ўрганишнинг зарурияти ва ўзига хос жиҳатларини аниқлаштириш; - педагог фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини изоҳлаш; - касбий етуклик даражаси билан боғлиқликда педагог фаолиятида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш стратегияларини кўрсатиб бериш.	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> - педагог фаолиятида юзага келадиган муаммоларни ўрганишнинг тиббий, физиологик, ижтимоий ва касбий жиҳатлари ҳақида маълумотга эга бўладилар;  - педагог фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг объектив ва субъектив шартшароитларини таснифлайдилар;  - касбий етуклик даражаси (адаптация босқичи, функционал барқарор, маҳоратли ва новатор) билан боғлиқликда юзага келаётган муаммоларни ҳал этишнинг конструктив, ҳимоя ва деструктив стратегияларини ўзлаштирадилар.
<b>Таълим методи</b>	Қизиқарли аналогия, муаммоли метод, маъруза, тушунтириш, кейс-стади
<b>Тингловчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш шакли</b>	Оммавий, гурухли
<b>Дидактик воситалар</b>	Слайд-презентация, тарқатма материаллар
<b>Таълимни ташкил этиш шароити</b>	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона
<b>Назорат</b>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**“Педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ва ҳал этиш стратегиялари” мавзусидаги маълумотли маъruzанинг технологик харитаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>1-bosқич. Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (10 дақиқа)</b>	<p>1.1. Тингловчиларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида қизиқарли аналогияли аудиоматериални тақдим этади (1-илова).</p> <p>1.2. Аудиоматериалга доир тингловчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини тинглайди</p> <p>1.3. Мавзунинг номланиши, режадаги масалалар ва мустақил ўқиш учун адабиётлар рўйхати билан таништиради (2-илова).</p>	<p>Аудиоматериални тинглашади ва таҳлил қилишади</p> <p>Ўз фикрларини бошқалар билан ўртоқлашишади.</p> <p>Тинглашади, ёзиб боришади.</p>
<b>2-bosқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 дақиқа)</b>	<p>2.1. Тингловчиларга муҳокама учун савол ташлаш орқали педагог фаолиятида юзага келадиган муаммоларнинг ўрганишнинг зарурияти ва ўзига хос жиҳатларини баён этади (3-илова).</p> <p>2.2. Педагог фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини тушунтиради (4-илова).</p> <p>2.3. Касбий етуклиқ даражаси билан боғлиқликда педагог фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш стратегияларига изоҳ беради (5-илова).</p>	<p>Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.</p>
<b>3-bosқич. Яқуний (Фикрлаш босқичи) (20 дақиқа)</b>	<p>3.1. Педагог фаолиятида юзага келаётган муаммолар билан боғлиқ вазиятларни тақдим этади ва тингловчиларга вазиятларни ечишга доир кўрсатмалар беради (6-илова).</p> <p>3.2. Тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беради ва мавзуга якун ясайди.</p>	<p>Вазиятлар билан танишишади ва оммавий тарзда муаммо ечимини топишади</p> <p>Мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларни беришади ва мунозарада иштирок этадилар.</p>

**1-илова**

**Қизиқарли аномологияга доир аудиоматериал**

Ҳеч эътибор қиласизми, қўпинча кафедра йиғилишида мажлис раиси (яни кафедра мудири) ўқув бўлими кўрсатмасига биноан киритилаётган ўзгаришлар (масалан, талабалар томонидан қолдирилган машғулотларни қайта топшириш механизми, рейтинг тизимига ўзгартириш киритиш ва унга асосланган ҳолда ўқитувчининг шахсий журналини қайта тўлдириш ва бошқалар) ҳақида маълумот бериб, уларни қай тарзда амалиётга татбиқ этиш тўғрисидаги масалани муҳокамага киритади. Кафедра профессор-ўқитувчиларидан айримлари киритилаётган ўзгартиришни қўллаб-куватлади, айримлари норози эканлигини бирор сўз айтмасдан новербал тарзда ифода этишади, улар орасидан албатта бир ёки икки нафари қаршилик кўрсатишади. Албатта, сиз ҳам кафедра йиғилишларида худди шундай ҳолатга дуч келгансиз. Сиз юқоридаги ҳолат бўйича қайси гурух (яни тарафдорлар, норозилар ва қаршилар) ҳаракатини маъқуллаган бўлардингиз? Биз баён этган вазиятни одатий ҳол деб қарашиб мумкинми?

**2-илова**

**Машғулот мавзуси: Педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ва ҳал этиш стратегиялари  
Режа:**

1. Педагог фаолиятида юзага келадиган муаммоларнинг ўрганишнинг зарурияти ва ўзига хос жиҳатлари.
2. Педагог фаолиятида юзага келадиган муаммоларнинг келиб чиқиши сабаблари.
3. Касбий етуклик даражаси билан боғлиқлика педагог фаолиятида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш стратегиялари.

**Мустақил ўқиши учун адабиётлар**

1. Мардонов Ш.К. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006.
2. Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.
3. Актуальные вопросы современной педагогической науки: материалы III Международной заочной научно-практической конференции. 20 ноября 2010 г. / Отв. ред. М.В. Волкова – Чебоксары: НИИ педагогики и психологии, 2010.
4. Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2012.

**3-илова**

**Педагог фаолиятида юзага келадиган муаммоларнинг ўрганишнинг зарурияти ва ўзига хос жиҳатлари**

**Савол:**

Сизнингча, замонавий шароитда ўқитувчи фаолиятида қандай муаммолар қўзга ташланмоқда? Ўз фаолиятингизда қандай муаммоларга дуч келмоқдасиз?

**Муаммонинг долзарблиги**

Ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг ҳал қилинмаслиги қуйидаги салбий оқибатларни келтириб чиқаради:

- 1) педагогнинг ўз ишидан қониқмаслиги;
- 2) педагогик меҳнат самарадорлигининг пасайиши;
- 3) психик зўриқишининг кучайиб бориши;
- 4) касбий деформацияларнинг тўпланиб бориши кабилар.

**Ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ўрганишнинг асосий аспектлари:**

1. Касбий. Ушбу жиҳат билан боғлиқ қийинчиликлар самарадорлик, ишонч, фаолият сифати орасидаги сабаб-оқибат алоқадорликлари ва фаолият субъектининг индивидуал ўзига хосликларини ўрганиш билан тавсифланади.

2. Физиологик. Мазкур аспект ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган қийинчиликларни унинг олий нерв фаолияти тизими ва сенсомотор ҳаракатлари орасидаги боғлиқликда кўриб чиқади.

3. Ижтимоий. Ушбу жиҳат билан боғлиқ қийинчиликлар ўқитувчининг ижтимоий мавқеи, обрў-эътибори, уни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишини тақозо этади.

4. Тиббий. Мазкур аспект фаолиятдаги қийинчиликларни ўқитувчининг руҳий, жисмоний соғломлиги, турли касалликларни орттириши, уларни саломатликка таъсирини аниqlаб беради.

**4-илова**

**Педагог фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг келиб чиқиши сабаблари**

**Савол:**

Сиз нима деб ўйлайсиз, касбий (профессионал) фаолият билан боғлиқ муаммолар қандай қўринишларда намоён бўлиши мумкин?

**Касбий фаолият билан боғлиқликда юзага келаётган қийинчиликлар  
қўйидаги кўринишларда намоён бўлиши мумкин:**

- 1) фаолиятнинг объектив шарт-шароитлари. Яъни шахснинг ўз фаолигини намоён қилишга тўсқинлик қилиниши, бошқача айтганда баръерларнинг мавжудлиги;
- 2) шахснинг ўзига хос психологик хусусиятлари.

**Савол:**

Ўқитувчининг касбий фаолияти билан боғлиқ муаммоларни юзага келтирувчи объектив шарт-шароитларга нималарни киритиш мумкин?

**Ўқитувчининг касбий фаолияти билан боғлиқ муаммоларни юзага  
келтирувчи объектив шарт-шароитларга қўйидагилар киради:**

- 1) ўқитувчи меҳнатини ташкил этишда методик таъминотнинг етарли бўймаслиги;
- 2) ўқитувчи фаолиятини баҳолашдаги формализм (юзакилик);
- 3) ўқитувчининг иккинчи даражали вазифаларга жалб этилиши.

**Савол:**

Педагог шахсининг специфик ўзига хосликлари билан боғлиқликда юзага келадиган қийинчиликларга нималарни киритиш мумкин?

**Педагог шахсининг специфик ўзига хосликлари билан боғлиқликда  
юзага келадиган қийинчиликлар:**

- 1) педагогик фаолиятни амалга оширишда ички куч ва имкониятларнинг етарли эмаслиги;
- 2) соҳадаги ислоҳотлар билан боғлиқликда фаолиятни ўзгартириш имконини бермайдиган ўз-ўзини йўналтириш механизмининг бузилиши;
- 3) салбий психологик ҳолатлар (ишончсизлик, асабийлик, қўркув, ўз фаолиятидан қониқмаслик ва бошқалар).

**5-илова**

**Касбий етуклик даражаси билан боғлиқликда педагог фаолиятида юзага  
келаётган муаммоларни ҳал этиш стратегиялари**

Олий таълимда фаолият юритадиган профессор-ўқитувчиларни касбий етуклик даражасига кўра шартли равишда тўрт гурухга ажратиш мумкин: адаптация босқичидаги, функционал барқарорликка эга, касбий маҳоратга эга ва новатор ўқитувчилар.

Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш қўйидаги стратегияларга асосланишини талаб этади: 1) касбий ривожланиш (конструктив стратегия); 2) психологик муҳофаза (химоя стратегияси); 3) касбий деформация (деструктив стратегия).

Адаптация босқичидаги ўқитувчилар учун хос муаммоли вазиятлар касбий муҳитга кириш, педагогик жамоадаги меъёр, қадрият ва анъаналарни

қабул қилиш кабилар билан боғлиқдир. Мазкур мураккабликлар объектив тавсифга эга бўлиб, мавхум алоқадорлик эса, ёш ўқитувчи таълим жараёнида эгаллаган билим, қўникма ва малакаларини ҳамда педагогик фаолиятга доир меъёр ва қадриятларни реал амалиётга қўллай ёки қўллай олмаслигига намоён бўлади.

Функционал барқарорликка эга ўқитувчиларда мураккаб вазиятлар педагогик стереотипларни мураккаблашуви билан боғлиқликда юзага келади. Бу эса ўқитувчидан ташаббускор қайта касбий ўз-ўзини намоён этишни талаб этади.

Маҳоратли педагоглар учун қийинчиликлар инновацион тўсиқларни енгib ўтиш билан боғлиқ. Педагогик фаолиятдаги тўсқинликлар кўпинча педагог фаолиятини чегаралаб қўйиш кўринишида намоён бўлади.

Мазкур типология билан боғлиқликда юзага келадиган қийинчиликларни ҳал этишда бир ёки бир неча стратегияни қўллаш мақсадга мувофиқ. Масалан, ёш ўқитувчилар фаолиятида юзага келадиган қийинчиликлар энг аввало, уларнинг касбий ривожланиши босқичма-босқич такомиллаштириб борилиши, касбий фаолият билан боғлиқ муаммоли вазиятларни ҳал этишда уларни психологик қўллаб-қувватлаш, ўз-ўзига ишонч, масъулиятни қарор топтириш, шунингдек, ўзгарувчан вазиятларда мувафақиятли ҳаракатлана олиш стратегияларини талаб этади.

## **6-и洛ва**

### **Педагог фаолиятида юзага келаётган муаммолар билан боғлиқ вазиятлар**

#### **1-вазият**

Педагогика ва психология факультетининг ўқув ишлари бўйича декан ўринbosари профессор-ўқитувчиларни бир маротаба машғулотга келмаган талабани оралиқ назорат киритмаслик ҳақида огоҳлантириди. Профессор-ўқитувчилардан айримлари декан ўринbosарининг кўрсатмасига асосан, бир маротаба машғулотга келмаган талабаларни ҳам оралиқ назоратга киритмади. Айрим ўқитувчилар уч-тўрт маротаба машғулотга келмаган талабаларнинг ҳам оралиқ назоратни ёзишлирага рухсат берди.

Ноябрь ойида бўлиб ўтган “Педагогика” кафедра мажлисида ҳам талабаларнинг давомат масаласи муҳокама қилиниб, қолдирилган машғулотларни ўзлаштириш учун қайта топшириш қандай амалга оширилаётганлиги муҳокама этилди. Профессор-ўқитувчилардан бири қолдирилган машғулотлар учун қайта топширишни олмаслиги, талаба қанча машғулотга қатнашмаганлигидан қатъий назар, оралиқ назоратга кириши мумкинлиги ва машғулотларни қолдирганлиги учун оралиқ назоратга киришга рухсат берилмаслиги “Рейтинг тўғрисида”ги Низомда кўрсатилмаганлигини баён этди.

*Юқорида келтирилган вазиятга аниқлик киритинг. Аниқ вазиятда акс этган асосий муаммо ва кичик муаммоларга ойдинлик киритинг.*

## **2-вазият**

Педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналиши 102-гуруҳи талабаларидан 8 нафари ҳамма фанлардан беш баҳога сессияни ёпаётганлигини, факат педагогика назарияси фанидан уларнинг уч нафарига уч баҳо, тўрт нафарига тўрт баҳо қўйилаётганлигини айтишди. Ўқитувчидан эса, уларга беш баҳо қўйиб беришни сўради. Ўқитувчи эса, бу ҳолатни ўрганиб чиқишни зарур, деб топди. Худди шу гурухга дарсга кирадиган иккита ўқитувчидан “беш” баҳо сўраб келган талабалар ҳақида сўраб кўрди. Ўқитувчилар мазкур талабалар бошқа фанларнинг ҳаммасидан беш олганмиз, деб улардан баҳо қўйдирив олганлигини айтишди.

Мазкур вазиятни аниқлик киритинг. Ўқитувчи мазкур вазиятда қандай йўл тутиши лозим. Аникроқ қилиб айтганда, ўқитувчи қатъий равища ўз нуқтаи назарини сақлаб қолиши керакми, ёки толерант ёндашув асосида уларга сўраган баҳосини қўйиб бериши лозимми?

### **1-амалий машғулот . “Педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар” мавзусидаги кейс-стади**

#### **Педагогик аннотация**

**Ўқув модули:** педагогиканинг долзарб муаммолари ва замонавий концепцияси.

**Мавзу:** Педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар.

**Кейснинг асосий мақсади:** профессор-ўқитувчининг раҳбарият, отаоналар ва талабалар билан муносабатларида юзага келадиган конфликтли вазиятларни таҳлил этиш, ечимини топиш ва вазиятдан чиқиб кетишга ўргатиш.

**Ўқув фаолиятидан кутиладиган натижалар:**

- 1) педагог фаолиятида юзага келадиган муаммоларнинг объектив ва субъектив жиҳатларини тадқиқ этиш;
- 2) педагогик этика ва педагогик такт қоидаларини ўзлаштириш;
- 3) педагогнинг ўз шахси ва фаолиятини муҳофаза этиш механизмларини такомиллаштириш;

**Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун тингловчилар олдиндан қўйидаги билим, кўникма ва малакалрга эга бўлишлари лозим:**

*Тингловчи қўйидагиларни билиши керак:*

педагогик этика, педагогик такт, инсонпарварлик педагогикаси, педагогик фаолият қонуниятлари ва тамойиллари.

*Тингловчи қўйидаги кўникмаларга эга бўлиши керак:*

таҳлил этиш, таққослаш, умумлаштириш, абстрактлаштириш, лойихалаш, моделлаштириш.

*Тингловчи қуидаги малакаларга эга бўлиши керак:*

индивидуал ва ҳамкорликда ишлаш, когнитив, эвристик, креатив фаолият малакалари.

**Манбалардан фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати:**

1. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог қадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006.

2. Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.

3. Актуальные вопросы современной педагогической науки: материалы III Международной заочной научно-практической конференции. 20 ноября 2010 г. / Отв. ред. М.В. Волкова – Чебоксары: НИИ педагогики и психологии, 2010.

4. Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2012.

Ушбу кейснинг асосий манбаи кабинетли, лавҳали бўлиб, аниқ вазиятлар асосида баён этилган. Кейснинг асосий обьекти педагогик фаолиятда юзага келадиган низоли вазиятни ҳал этишга йўналтирилган. Бу мазмунига кўра амалий кейс бўлиб, муқобил бир неча ечимларни топишни талаб этади. Ҳажми ўртacha тизимлаштирилган бўлиб, гуруҳ билаш ишлашга мўлжалланган.

### **Кейс: Педагогик низо ва уни ҳал этиш йўллари**

Маълум муддат тиббий даволанишда бўлиб, янги ўқув йилидан яна қайтадан ишга қайтган “Педагогика ва психология” кафедраси ўқитувчиси И.Аллабергенов педагогика ва психология бакалавриат таълим йўналиши 103 гуруҳида педагогика назарияси фанидан семинар машғулотини ўтказаётган эди. Семинар машғулотида талабаларни кичик гуруҳларда ишлашларини ташкиллаштириди. Талабалар кичик гуруҳларда ишларни давом эттираётган бир пайтда, машғулот бошланганига ўттиз дақиқа бўлганида мазкур гуруҳ талабаси А.Петрова эшиқни очиб, аудиторияга киришга рухсат сўради. Ўқитувчи эса машғулот бошланганига анча вақт бўлганини, у бир неча маротабадан бўён кечикиб келаётганини айтиб, машғулот вақтида кечга қолган талаба А.Петрованинг аудиторияга киришига рухсат бермади. Талаба эса, аудиториядан чиқиб кетишни хоҳламади. Ўқитувчи ундан аудиториядан чиқиб кетишни талаб этди ва охир-оқибат хонадан чиқариб юборди. Эртаси куни аудиторияга киритилмаган қизнинг онаси номидан факультет деканатига шикоят хати келиб тушди. Шикоят хатида талаба-қизнинг онаси ҳомиладор эканлигига қарамасдан ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ўқитувчи талабани машғулотга киритмасдан, уни туртиб аудиториядан чиқариб юборгани педагогик этика зид иш эканлиги, ўқитувчининг компетентлигини аниqlаш учун Давлат тест марказидан холис экспертлар чақириб, синовдан ўтказиш ва

шикоятга ёзма равищда жавоб қайтариш, агар керакли чора кўрилмаса, юқори ташкилотларга мурожаат қилиши ҳақидаги талабни қўйган эди. Эртаси куни факультет декани ва ўринбосари И.Аллабергеновни бу ҳақида огоҳлантириди. Ўқитувчи эса деканга у ҳеч қандай ортиқча ҳаракат қилмагани, талаба қиз ҳамма вақт дарсга кечикиб келишини айтиб қўпол муносабатда бўлди. Бир ҳафта муддат ўтиб, декан кафедра мудиридан мазкур масалани йиғилишда муҳокама қилиб, қарор чиқариб беришни сўради.

Кафедра мажлисида мазкур масала муҳокама этилди. Кафедра профессор-ўқитувчилари ҳар қандай вазиятда ҳам И.Аллабергеновни қўллаб-кувватлашларини билдириди. Бироқ талаба-қизнинг хомиладор эканлигини ҳисобга олиб, ундан узр сўраш ҳақидаги таклифни киритишиди. И.Аллабергеновга сўз берилганда эса, у педагоглик одобига зид ҳеч қандай хатти-ҳаракат содир этмаганлигини, талаба-қиздан узр сўрамаслигини билдириди. Орадан бир ҳафта муддат ўтиб, И.Аллабергенов кафедра мудирининг ишдан бўшамаслиги ҳақидаги илтимосига карамасдан, ўз аризасига кўра вазифасидан озод этилди.

*Юқорида келтириб ўтилган вазиятни таҳлил этинг. Сиз И.Аллабергеновнинг ўрнида бўлганингизда қандай йўл тутган бўлар эдингиз? И.Аллабергеновнинг ишдан бўшаб кетиши тўғри бўлдими?*

### **Аниқ вазиятларни босқичма-босқич таҳлил этиш ва ҳал этиш бўйича тингловчиларга услугий кўрсатмалар**

<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Маслаҳат ва тавсияномалар</b>
1. Кейс билан танишиш (индивидуал) 3 дақиқа	Тақдим этилган аниқ вазиятлар билан танишиб чиқинг. Муаммоли вазият мазмунига алоҳида эътибор қаратинг. Муаммоли вазият қандай масалани ҳал этишга бағишланганлигини аниқланг.
2. Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқлаш (индивидуал ва кичик гурухларда) – 5 дақиқа	Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқланг. Ўз фикрингизни гуруҳ билан ўртоқлашинг. Муаммони белгилашда исбот ва далилларга таянинг. Кейс матнидаги ҳеч бир фикрни эътибордан четда қолдирманг.
3. Муаммо ечимини топиш ва эришиладиган натижани аниқлаш – 7 дақиқа	Гуруҳ билан биргаликда муаммо ечимини топинг. Муаммога доир ечим бир неча вариантда бўлиши ҳам мумкин. Шу билан бирга сиз топган ечим қандай натижага олиб келиши мумкинлигини ҳам аниқланг.
4. Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти (кичик гурухларда) – 5 дақиқа	Гуруҳ билан биргаликда кейс ечимига доир тақдимотни тайёрланг. Тақдимотни тайёрлашда сизга тақдим этилган жавдалга асосланинг. Тақдимотни тайёрлаш жараёнида аниқлик, фикрнинг ихчам бўлиши тамойилларига риоя қилинг.

**Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти учун чизма  
намунаси**

<b>Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)</b>	<b>Ечим</b>	<b>Натижа</b>

**2-назарий машғулот. “Замонавий педагогик атамаларни қўллаш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги маълумотли маърузанинг технологик модели**

<b>Маърузага ажратилган вақт – 2 с</b>	<b>Тингловчилар сони – 50 та</b>
<b>Ўқув машғулотининг шакли</b>	Маълумотли маъруза
<b>Машғулот режаси</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Янги авлод ДТСларини амалга оширишда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишга қўйилагидан меъёрий талаблар.</li> <li>Аудиторияда ва аудиториядан ташқарида амалга ошириладиган мустақил ишлар.</li> <li>Интернет орқали амалга ошириладиган мустақил ишлар.</li> <li>Мустақил ишларни ташкил этиш учун топшириқларни ишлаб чиқиш технологияси.</li> <li>Мустақил иш натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади</b>	Тингловчиларни “мустақил таълим” ва “мустақил иш” тушунчаларини фарқлай олишлари ҳамда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва баҳолаш кўнишка ва малакаларини ривожлантириш.
<b>Педагогик вазифалар:</b> - мустақил ишнинг вазифалари, профессор-ўқитувчи ва талабанинг ролини аниқлаштириш; - аудиторияда ва аудиторидан ташқарида бажариладиган мустақил иш турларини таснифлаш; - интернет ёрдамида бажариладиган мустақил ишлар ҳақида маълумот бериш; - мустақил иш топшириқларини ишлаб чиқиш лойиҳасини тақдим этиш; - мустақил иш натижаларини қайд этиш ва ҳисобга олиш журналини таклиф этиш.	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> - “мустақил таълим” ва “мустақил иш” тушунчаларининг фарқини билиб оладилар; - аудиторияда ва аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил иш турларини ўзлаштирадилар; - талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишда ахборот технологияларидан фойдаланиш йўлларини ўзлаштирадилар; - мустақил иш топшириқларини тузишда қўлланиладиган таксономия билан танишадилар; - мустақил иш натижаларини қайд этиш ва ҳисобга олиш журнали юзасидан ўз мулоҳаларини билдирадилар.
<b>Таълим методи</b>	Мунозара, сухбат, маъруза,
<b>Тингловчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш шакли</b>	Оммавий, гурухли
<b>Дидактик воситалар</b>	Слайд-презентация, тарқатма материаллар
<b>Таълимни ташкил этиш шароити</b>	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона
<b>Назорат</b>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**“Замонавий педагогик атамаларни қўллаш: муаммо ва ечимлар”  
мавзусидаги маълумотли маъruzанинг технологик харитаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Талаба
<b>1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (10 дақиқа)</b>	<p>1.1. Тингловчиларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида “Мустақил таълим” ва “мустақил иш”нинг фарқи нимада? Мавзусида ақлий ҳужумни ташкил этади (1-илова).</p> <p>1.2. Мавзунинг номланиши, режадаги масалалар ва мустақил ўқиш учун адабиётлар рўйхати билан таништиради (2-илова).</p>	Саволга жавоб берадилар ва ўз фикрларини асослашга ҳаракат қиласидилар
<b>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 дақиқа)</b>	<p>2.1. Тингловчиларга муҳокама учун савол ташлаш орқали мустақил иш тушунчасининг моҳияти, мустақил ишни ташкил этишдаги профессор-ўқитувчининг роли ва талабанинг вазифаларини аниқлаштиради (3-илова).</p> <p>2.2. Тингловчиларга муҳокама учун савол ташлаш орқали талабаларнинг аудиторияда ва аудиториядан ташқарида бажарадиган мустақил ишларини тизимлаштиради (4-илова).</p> <p>2.3. Тингловчиларга муҳокама учун савол ташлаш орқали интернет воситасида амалга ошириладиган мустақил ишлар ҳақида маълумот беради (5-илова).</p> <p>2.4. Мустақил иш топшириқларини ишлаб чиқиш лойиҳасини тушунириб беради (6-илова).</p> <p>2.5. Мустақил иш натижаларини қайд этиш ва ҳисобга олиш журналининг тузилиши билан таништиради (7-илова).</p>	Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.
<b>3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (20 дақиқа)</b>	Тингловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб беради ва мавзуга якун ясайди.	Мавзу юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларни беришади ва мунозарада иштирок этадилар.

**1-илова**

**“Мустақил таълим ва мустақил ишнинг фарқи нимада?” мавзусида  
ақлий хужумни ўтказишга доир кўрсатмалар**

1. Ўқитувчи саволни муҳокама қилиш учун ўртага ташлайди ва ўйлаш учун бир дақиқа вақт беради.

2. Тингловчиларнинг жавоблари тингланади ва доскага кетма-кетлиқда ёзиб борилади. Гарчи такрорланиш ҳолати мавжуд бўлса ҳам, мазкур ҳолатда ҳамма жавобларнинг ёзиб борилиши талаб этилади.,

3. Ҳамма ўз фикрини билдириб бўлгач, ўқитувчи доскага ёзилганларини тингловчилар билан биргалиқда муҳокама қиласида ва тўғри жавоблар ажратиб олинади.

**2-илова**

**Машғулот мавзуси: Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил  
этишнинг инновацион воситалари**

**Режа:**

1. Янги авлод ДТСларини амалга оширишда талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишга қўйилагидан меъёрий талаблар.

2. Аудиторияда ва аудиториядан ташқарида амалга ошириладиган мустақил ишлар.

3. Интернет орқали амалга ошириладиган мустақил ишлар.

4. Мустақил ишларни ташкил этиш учун топшириқларни ишлаб чиқиши технологияси.

5. Мустақил иш натижаларини назорат қилиш ва баҳолаш.

**Мустақил ўқиши учун адабиётлар**

1. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ. Методик қўлланма. 2006.

2. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2006.

3. Байбаева М.Х. Касб-хунар коллежи ўқувчиларининг мустақил ишларини ташкил этишда педагогик технологиялардан фойдаланиши методикаси: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2012.

4. Самостоятельная работа студентов: метод указания / сост.: А.С.Зенкин, В.М.Кирдяев, Ф.П.Пильгаев, А.П.Лаш – Саранск: Изд-во Мордов. Ун-та, 2009. – с. 35

5. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов : рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.

### **3-илова**

**Саволлар:** 1. Мустақил иш деганда нимани тушунасиз? Унинг таълимни ташкил этиш шакли сифатидаги аҳамияти нимада? 2. Мустақил ишни ташкил этишда профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг фаолиятлари нималардан иборат бўлиши керак деб ҳисоблайсиз? Мустақил ишни ташкил этишда қандай вазифаларни мувафақиятли амалга ошишига эришиш лозим?

*Мустақил иши – ўқитувчининг топшириғи ва унинг раҳбарлигига ўкув вазифасини ҳал этадиган таълимни ташкил этиш шакли.* Мустақил иш бу қўйилган мақсад билан боғлиқликда талабаларнинг аниқ фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишdir. Талабаларнинг мустақил ишлари уларнинг юқори даражадаги фаоллик, ижодийлик, мустақил таҳлил, ташаббускорликка асосланган фаолиятлариdir.

Мустақил ишларнинг мақсад ва вазифалари:

*Профессор-ўқитувчининг роли талабаларда ўз-ўзини ривожлантириш, мустақил билим олиш ва инновацион фаолиятни шакллантиришга имкон берувчи кўникма ва малакаларни эгаллаш мақсади билан боғлиқликда мустақил ишни ташкил этишда намоён бўлади.*

*Талабанинг роли профессор-ўқитувчи раҳбарлигига ташкил этиш жараёнида билим, кўникма ва малакаларни мустақил эгаллаш, муаммони шакллантира олиш ва уни ҳал эйтшнинг оптималь йўлини излаб топишга қобилиятли ижодкор шахс бўлишда акс этади.*

*Мустақил иши қўйидаги вазифаларни мувафақиятли ҳал этишига имкон берииши лозим:*

- 1) талабаларда ўкув дастурини ўзлаштиришга доир мотивацияни ҳосил қилиш;
- 2) таълим олувчиларда билим олишга доир масъулиятни ошириш;
- 3) талабаларда умумий ва касбий лаёқатларни ривожлантиришга имкон бериш;
- 4) таълим олувчиларда мустақил билим олиш, ўз-ўзини бошқариш ва ўз-ўзини ривожлантиришга қобиятлиликни шакллантириш учун шароит яратиш.

### **4-илова**

**Савол:** талабаларнинг аудиториядан ташқарида бажарадиган мустақил иш топширикларига нималарни киритиш мумкин? Сиз аудиториядан ташқарида бажариш учун талабаларга қандай мустақил иш топширикларини тақдим этасиз?

*Аудиторияда амалга ошириладиган мустақил ишларни икки турга ажратиш мумкин:* 1) маъруза машғулотларида бажариладиган мустақил ишлар; 2) амалий машғулотларда бажариладиган мустақил ишлар.

*Аудиториядан ташқарида бажариладиган мустақил ишларга эса қуийидагилар киритиш мумкин: 1) конспектлаштириш; 2) адабиётлардан реферат тузиш; 3) китоб ва мақолаларга аннотация ёзиш; 4) доклад, реферат ва назорат иши.*

## **5-илова**

**Савол:** интернет воситасида қандай мустақил ишларни ташкил этиш мумкин? Сиз ўз фаолиятингизда Интернет воситасида амалга ошириладиган қандай мустақил ишлардан фойдаланасиз?

*Мустақил ишларни ташкил этишида янги ахборотлардан қуийидаги мақсадларда фойдаланиши мумкин:*

1. Тармоқдан ахборот излаш – web-браузер, маълумотлар базасидан фойдаланиш, ахборот-қидирав, ахборот-маълумотнома тизимлари, автоматлашган кутубхона тизимлари, электрон журналлардан фойдаланиш.

Ахборот излаш ва унга ишлов беришга доир мустақил ишларга қуийидагилар киради:

- реферат-шарҳлар ёзиш;
- мавзу билан боғлиқ сайтларга такриз ёзиш;
- маълум мавзуга доир тармоқдаги мавжуд рефератларни таҳлил этиш, уларни баҳолаш;
- маъруза режасига доир ўз вариантини ёки унинг маълум бир қисмини ёзиш;
- фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш;
- амалий машғулотлардан лавҳа тайёрлаш;
- мавзуга доир доклад тайёрлаш;
- мавзуга доир мунозара ўтказиш;
- профессор-ўқитувчи томонидан тайёрланган ёки тармоқдан топилган web-квестда ишлаш.

2. Тармоқда диалогни амалга ошириш – электрон почта, синхрон телеконференциялардан фойдаланиш. Тармоқда диалогни амалга оширишни қуийидагича кўринишда ташкил этиш мумкин: ўтказилган ёки ўтказилиши кўзда тутилган маъruzаларни муҳокама қилиш; мутахассис ёки талabalар билан синхрон телеконференция(чат)да мулокотни амалга ошириш.

3. Тематик web-саҳифа, web-квест(топшириқ)лар яратиш – html-муҳаррири, web-браузер, график муҳаррирлардан фойдаланиш. Тематик web-саҳифа, web-квест (топшириқ)лар яратишида қуийидаги усуллардан фойдаланиш мумкин: сайтда талabalар томонидан бажарилган рефератлар ва рецензиялар, ишларни жойлаштириш; мавзуга доир адабиётлар рўйхатини чоп этиш; индивиудал ва кичик гурӯҳларда ишлашга доир мавзули web-саҳифаларни яратиш; мавзу бўйича ишлаш учун web-квестлар яратиш ва уларни курсга доир сайтда жойлаштириш.

**Мустақил ишга доир топшириқлар лойиҳасининг тузилиши**

<b>Билишга доир</b>		<b>Репродуктив</b>		<b>Продуктив</b>		
<b>Танишув</b>	<b>Тушуниш</b>	<b>Қўллаш</b>	<b>Анализ</b>	<b>Синтез</b>	<b>Баҳолаш</b>	
Белгилаш	Тушунтириш	Тасвирлаш	Очиб бериш	Таклиф этиш	Туркумлаш	
Гурухлаштириш	Ифода этиш	Таклиф этиш	Таҳлил этиш	Ишлаб чиқиш	Аниқлаштириш	
Тузиш	Кўрсатиш	Эскизини тайёрлаш	Ажратиб кўрсатиш	Излаш	Аҳамиятини баҳолаш	
Тартиблаш	Башорат қилиш	Таққослаш	Таснифлаш	Ўйлаб топиш	Мезонларни ишлаб чиқиш	
Баён этиш	Шарҳлаш	Тажриба-да синаб кўриш	Излаб топиш	Янги таснифни и таклиф этиш	Мухо-кама қилиш	
Эсга тушириш ва ёзиш	Қайта баён этиш	Тақдимот ўтказиш	Таққослаш	Тавсифланг	Имкониятини баҳолаш	
Мустақил ўқиши	Намуна кўрсатиш	Ҳисоблаш	Аниқлаш	Фикрни баён этиш	Экспертизадан ўтказиш	

7-и лова

(Намуна)

## “Тасдиқлайман”

## **“Педагогика” кафедраси мудири**

Н.М.Эгамбердиева

**2012 й.**

# **Мустақил иш юзасидан талабаларни баҳолаш ва мустақил ишни хисобга олиш ЖУРНАЛИ**

## Фаннинг номи:

## Курс ва гуруҳ:

Мустакил ишларни қабул килади:

## **I қисм. Талабаларнинг мустақил таълим бўйича балларини қайд этиш вараги**

## **II қисм. Мұстақил ишни ҳисобға олиш варақаси**

## **1-амалий машғулот. “Замонавий педагогик атамаларни қўллаш: муаммо ва ечимлар” мавзусидаги кейс-стади.**

### **Педагогик аннотация**

**Ўқув модули:** педагогиканинг долзарб муаммолари ва замонавий концепцияси.

**Мавзу:** Замонавий педагогик атамаларни қўллаш: муаммо ва ечимлар.

**Кейснинг асосий мақсади:** “методика”, “технология”, “интерфаол метод”, “стратегия”, “график органайзер” каби тушунчаларга доир аниқ таърифларни шакллантириш ва чалкашликка йўл қўймасликка ўргатиш.

**Ўқув фаолиятидан кутиладиган натижалар:**

- 1) замонавий педагогик атамаларнинг моҳиятини аниqlаштириш;
- 2) замонавий педагогик атамаларни чалкаштирилган ҳолда қўллашни бартараф этиш;
- 3) замонавий педагогик атамаларни тўғри қўллашга ўргатиш.

**Ушбу кейсни муваффақиятли амалга ошириш учун тингловчилар олдиндан қўйидаги билим, кўникма ва малакалрга эга бўлишлари лозим:**

*Тингловчи қўйидагиларни билиши керак:*

методика ва технология тушунчасининг ўзаро алоқадорлиги ва фарқи, педагогик технология ва интерфаол методнинг нисбати, график органайзерлар.

*Тингловчи қўйидаги кўникмаларга эга бўлиши керак:*

тахлил этиш, таққослаш, умумлаштириш, абстрактлаштириш, лойиҳалаш, моделлаштириш.

*Тингловчи қўйидаги малакаларга эга бўлиши керак:*

индивидуал ва ҳамкорликда ишлаш, когнитив, эвристик, креатив фаолият малакалари.

**Манбалардан фойдаланиш учун адабиётлар рўйхати:**

53. Актуальные вопросы современной педагогической науки: материалы III Международной заочной научно-практической конференции. 20 ноября 2010 г. / Отв. ред. М.В. Волкова – Чебоксары: НИИ педагогики и психологии, 2010.

54. Технологии обучения: сущность, опыт применения и проблемы развития: Доклады и материалы к научно-практической конференции. – М., 1997.

Ушбу кейснинг асосий манбаи кабинетли, лавҳали бўлиб, аниқ вазиятлар асосида баён этилган. Кейснинг асосий обьекти замонавий педагогик атамаларни аниқ таърифини шакллантиришга йўналтирилган. Бу мазмунига кўра таълимий кейс бўлиб, ягона тўғри ечимни топишни талаб этади. Ҳажми ўртacha тизимлаштирилган бўлиб, гурӯҳ билаш ишлашга мўлжалланган.

## **КЕЙС: ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК АТАМАЛАР**

2011 йилнинг март ойида “Педагогика” кафедрасида “Замонавий педагогик атамалар” мавзусига бағишлиган семинар-тренинг ўтказилди. Семинар-тренингда ҳозирги вақтда таълим жараёнида қўлланилаётган “методика”, “технология”, “интерфаол метод”, “стратегия”, “график органайзерлар” каби атамалар таҳлилига алоҳида эътибор қаратилди. Семинар-тренингда педагогик технологиялар соҳасига доир қатор изланишлар олиб борган мутахассис олимлар таклиф этилди.

Модератор биринчи бўлиб сўз навбатини “методика” ва “технология” тушунчалари моҳиятини аниқлаштириб бериш учун педагогика фанлари доктори, профессор И.Жўраевга берди. Олим ўз нутқида “Методика – қатъий кетма-кетликка (алгоритмик характерга), илгари ўрнатилган режа (қоида), тизимга аниқ риоя қилиш бўлиб, бирор бир ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси”ни, “технология – бу режалаштирилган ўқитиши натижаларига эришиш жараёни тавсифи”ни ифода этди, деган умумий фикрни берди. Шундан сўнг, “Педагогика” кафедраси катта ўқитувчиси М.Алиева И.Жўраевга шундай савол билан мурожаат этди: “Домла, кечирасиз, сизнингча, методика ва технологиянинг бир-биридан фарқи нимада?”. И.Жўраев қисқа қилиб “Методика ўргатади, технология ўйнатади” деган жавобни берди. М.Алиева жавобни тушунмасдан ҳайрон бўлиб, индамай қўйди. Олим унга “Нега сиз жавобдан қониқмадингизми?” савол назари билан қаради, М.Алиева эса индамади. Кафедра ўқитувчиси Г.Қўлдошева М.Алиевага “Нимага тушунмайсиз, домла айтмоқчиларки, ўқитиши методикаси талабаларни фаоллаштира олмайди, технология эса таълим олувчини фаоллаштириб, ўйин асосида машғулотларни қизиқарли ўтишини таъминлайди” деб тушунтирган бўлди.

И.Жўраев ўз чиқишини якунлагач, модератор сўзни педагогика фанлари доктори, профессор Д.Абдуллаевага берди ва “замонавий педагогик технологиялар” ҳақида маълумот беришни сўради. Д.Абдуллаева бугунги

кунда кўплаб замонавий педагогик технологиялар мавжудлиги, уларга Ақлий ҳужум, Б-Б-Б, каскад, пинборд, кластер, зигзаг, тармоқлар, ўйинли технологиялар кабилар борлигини айтиб, уларга қисқа-қисқа изоҳ берди. Д.Абдуллаева сўзини якунлагач, доцент А.Икромов унга қуидаги савол билан мурожаат этди: “Устоз, мени бир савол қўп вақтдан бери қизиқтиради: “Технология билан интерактив метод” тушунчаси бир нарсами? Ҳар доим уларни аралаштириб қўллайверамиз, шу тўғрими?”. Д.Абдуллаева саволга қуидагича жавоб берди: “Сиз манимча, саволни ман юқорида бир нечта технологияни санаб ўтганимдан келиб чиқиб беряпсиз. Уларни “технология” деб айтиш ҳам, “интерфаол методлар” деб номлаш ҳам мумкин” деган жавобни берди. Жавобни эшилтгач, А.Икромов “унда бирини қўллайверсан бўлмайдими?” деган савол назари билан қаради. Унга жавобан олима “Истаганигизни ишлатаверинг” деб жавоб берди. Шу билан Д.Абдуллаева ҳам чиқишини якунлади.

Учинчи бўлиб сўз навбати Л.Василжоновага берилди. У “Нутқ сўзлашдан аввал мен сизларни қизиқтирган саволларни эшилмоқчиман” деган фикр билдириди. Шунда қолганлар индамасдан турганда, А.Икромов “ман савол берсан, майлими?” деб рухсат сўради. Беринг, деган ишора қилингач, у “Мен ҳали профессор Д.Абдуллаевага ҳам шунга ўхшаш саволни бергандим, сизнинг ҳам фикрингизни билмоқчиман: Метод билан технологияни бир-биридан нима фарқи бор? Сизни педагогик технологияга доир китобингизда кейс-стади, ўқув лойиҳаси ҳақида маълумот берилганда, уларга нисбатан ҳам метод, ҳам технология сўзлари қўлланилаверган. Ўзи бу тушунчаларни қандай қўллаш ўринли бўлади?”. Л.Василжонова: “Менимча, сиз Д.Абдуллаеванинг фикрларига яхши эътибор қаратмабсиз, улар бу тушунчаларнинг икаласини ҳам қўллайвериш мумкин, деб айтдилар. Мен сизга осонроқ тушунтириб бераман. Мана эътибор қаратинг: мен ишхонада Василжонова Латофат Абдурашидовнаман, фарзандим учун онаман, турмуш ўртоғим учун аёлиман,

барибир ўша Латофатман” деган жавобни берди. Ҳамма мийиғида кулиб, бирбирига қараб қўйди.

А.Икромов яна савол беришга рухсат сўради. Узр сўраган ҳолда, Л.Василжоновага “Сиз китобингизда график органайзерларни “таълим воситалари” деб бергансиз. Мен бу фикрга қўшилмадим. Чунки биз дидактик воситалар деганда китоб, чизма, расм, жадвал, нутқ, лаборатория жиҳозлари, ўқув куролларини тушунамиз. График органайзерларни восита деб айтиш тўғрими?” Л.Василжонова саволга қуйидагича жавоб берди: “График органайзерлар тузилишига кўра чизма, жадвал кўринишига эга бўлганлиги учун уларни “восита” деб талқин қилганмиз”. Сўнг А.Икромовга савол билан мурожаат қилди: “Сиз график органайзерларни қандай характерга эга деб ҳисоблайсиз?” А.Икромов “График органайзерларни восита эмас, метод деб қўллаш ўринли бўлади” деган жавобни берди. Унга жавобан Л.Василжонова “Сиз истасангиз шундай қўллашингиз мумкин” деб айтди.

Л.Василжонова чиқишини тугаллаганидан сўнг, модератор умумий тарзда семинар-тренингга якун ясади. Кафедра-ўқитувчиларининг кўпчилиги семинар-тренинг давомида замонавий шароитда кенг қўлланилаётган тушунчалар ҳақида аниқ маълумот олишмаганини ўзаро бир-бирларига секин-секин шивирлаб қўйиши...

**Сиз нима деб ўйлайсиз, семинар-тренинг олдига қўйилган мақсад тўлиқ амалга ошдими? Замонавий таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ ҳолда қўлланилаётган тушунчаларнинг моҳияти етарлича аниқлаштирилдими? Сиз мазкур тушунчаларни қандай изоҳлаган бўлар эдингиз? Семинар-тренингда қайси тушунча моҳиятига умуман эътибор қаратилмади? “Методика” ва “технология” тушунчаларини фарқлашга доир И.Жўраев томонидан берилган жавобга сиз қандай муносабат билдирасиз? Д.Абдуллаеванинг ўз нутқида Ақлий ҳужум, Б-Б-Б, каскад, пинборд кабиларни технология деб ишлатиши тўғрими? Л.Василжонованинг “метод” ва “технология” тушунчаларига нисбатан айтан фикрини қандай баҳолайсиз? График органайзерларни “таълим воситаси”ми ёки “метод” сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқми?**

**Аниқ вазиятларни босқичма-босқич таҳлил этиш ва ҳал этиш бўйича  
тингловчиларга услубий кўрсатмалар**

<b>Иш босқичлари ва вақти</b>	<b>Маслаҳат ва тавсияномалар</b>
1. Кейс билан танишиш (индивидуал) – 3 дақиқа	Тақдим этилган аниқ вазиятлар билан танишиб чиқинг. Муаммоли вазият мазмунига алоҳида эътибор қаратинг. Муаммоли вазият қандай масалани ҳал этишга бағишиланганлигини аниқланг.
2. Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқлаш (индивидуал ва кичик групкаларда) – 5 дақиқа	Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқланг. Ўз фикрингизни груп билан ўртоқлашинг. Муаммони белгилашда исбот ва далилларга таянинг. Кейс матнидаги ҳеч бир фикрни эътибордан четда қолдирманг.
3. Муаммо ечимини топиш ва эришиладиган натижани аниқлаш – 7 дақиқа	Груп билан биргаликда муаммо ечимини топинг. Муаммога доир ечим бир неча вариантда бўлиши ҳам мумкин. Шу билан бирга сиз топган ечим қандай натижага олиб келиши мумкинлигини ҳам аниқланг.
4. Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти (кичик групкаларда) – 5 дақиқа	Груп билан биргаликда кейс ечимига доир тақдимотни тайёрланг. Тақдимотни тайёрлашда сизга тақдим этилган жавдалга асосланинг. Тақдимотни тайёрлаш жараёнида аниқлик, фикрнинг ихчам бўлиши тамойилларига риоя қилинг.

**Кейс ечими учун таклиф этилган ғоялар тақдимоти учун чизма  
намунаси**

<b>Муаммо (асосий ва кичик муаммолар)</b>	<b>Ечим</b>	<b>Натижа</b>

**2-амалий машғулот. “Интерфаол таълимни ташкил этиш: илфор тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил этиш” мавзусидаги интерфаол маъruzанинг технологик модели**

<b>Маърузага ажратилган вақт – 2 с</b>	Тингловчилар сони – 50 та
<b>Ўқув машғулотининг шакли</b>	Маълумотли маъруза
<b>Машғулот режаси</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>Таълим олганликни ташхис этишнинг таркибий қисмларини ўзлаштириш.</li> <li>Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш шакл, метод ва воситаларини аниқлаштириш.</li> <li>Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонларини ўрганиш.</li> <li>Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилишга доир муаммоли вазиятларни ҳал этиш.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади</b>	Тингловчиларнинг таълим олганликни ташхис этишга доир назарий назарий билимларини мустаҳкамлаш ҳамда уларни талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини тўғри баҳолаш кўникма ва малакаларини ривожлантириш.
<b>Педагогик вазифалар:</b> 1. Таълим олганликни ташхис этишнинг таркибий қисмларини ўзлаштирилишига эришиш. 2. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш шакл, метод ва воситаларини фарқлай олишга ўргатиш. 3. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашга ўргатиш. 4. Тингловчиларда талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> 1. Таълим олганликни ташхис этишнинг моҳиятини билиб оладилар. 2. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш шакл, метод ва воситаларини ўзлаштирадилар 3. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонларини ўрганадилар. 4. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш кўникма ва малакаларини эгаллайдилар.
<b>Таълим методи</b>	Тушунтириш, сухбат, ақлий ҳужум, блиц-сўров, муқобилини танлаб олиш тести, асосланган эссе.
<b>Тингловчиларнинг ўқув фаолиятини ташкил этиш шакли</b>	Индивидуал ва гуруҳларда ишлаш.
<b>Дидактик воситалар</b>	Услубий қўлланма, проектор, маркерлар, тарқатма материаллар
<b>Таълимни ташкил этиш шароити</b>	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
<b>Назорат</b>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**“Интерфаол таълимни ташкил этиш: илғор тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил этиш” мавзусидаги интерфаол маъruzанинг технологик картаси**

<b>Иш босқичлари ва вакти</b>	<b>Фаолият мазмуни</b>	
	<b>Ўқитувчи</b>	<b>Талаба</b>
<b>1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (10 минут)</b>	<p>1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижалар билан таништиради, уларнинг аҳамияти ва долзарблигини асослайди (1-илова).</p> <p>1.2. Тингловчиларни машғулотга чорлаб олиш мақсадида улардан “Мен талабаларни қай тарзда баҳолайман?” мавзусида эркин ёзиш топширигини беради (2-илова).</p>	Тинглашади ва ёзиб боришади.
<b>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</b>	<p>2.1. Таълим олганликни ташхис этишнинг таркибий қисмларини ўзлаштирилишига доир блиц-сўров ўтказади (3-илова).</p> <p>2.2. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш шакл, метод ва воситаларини фарқлай олишга ўргатиш мақсадида “Чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетма-кетлиги”ни тақдим этади (4-илова).</p> <p>2.3. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашга доир амалий топширикларни тақдим этади ва уни бажаришга доир зарур кўрсатмалар беради (5-илова).</p> <p>2.4. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилишга доир муаммоли вазиятларни тақдим этади ва талабаларнинг муаммоли вазиятларни ҳал этишларига кўмаклашади (6-илова).</p>	Блиц саволларга жавоб беришади.
<b>3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)</b>	Машғулот юзасидан умумий хуносаларни чиқаради ва тингловчилар томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатади.	Тинглайдилар ва ўзларининг хатоларини дафтарларига тузатадилар

**Машғулот мавзуси: Интерфаол таълимни ташкил этиш: илгор тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил этиш  
Режа:**

1. Таълим олганликни ташхис этишнинг моҳияти.
2. Ўқув жараёнида назорат ва ҳисобга олиш функциялари.
3. Таълим олганликни натижаларини текшириш ва баҳолаш тамойиллари.
4. Ўқув фаолияти натижаларини ҳисобга олиш турлари, шакллари ва методлари.
5. Билим, кўникма ва малакаларни баҳолаш мезонлари.

**Мустақил ўқиши учун адабиётлар**

1. Педагогика. / М.Тоҳтаходжаеванинг умумий таҳрири остида. – Т.: Иқтисод-Молия, 2008.
2. Ҳасанбоев Ж. ва бошқалар. Педагогика. – Т.: Фан, 2006.
3. Подласый И.П. Педагогика. – М.: Высшее образование, 2008.
4. Педагогика / Под.ред. П.И.Пидкастого. – М.: Весшее образование, 2008.

**“Мен талабаларни қай тарзда баҳолайман?” мавзусида эркин ёзиш топшириғи**

Топшириқ: “Мен талабаларни қай тарзда баҳолайман?” мавзусида беш дақиқа мобайнида ўз фикрларингизни дафтарга ёзинг. Ўйлаган фикрларингизни ҳеч қандай тўхтовсиз баён этинг.

Эркин ёзиш устида ишлашга доир кўрсатма:

1. Талабалардан беш дақиқа мобайнида берилган мавзу бўйича ўз фикрларини ёзиш сўралади.
2. Беш дақиқа тугагач, вақт туганганлиги маълум қилинади. Бироқ бир минут сукут сақлаб турилади. Чунки одатда энг яхши фикрлар инсон танг ҳолатда қолган вазиятда туғилади.
3. Талабалардан айримларининг фикрлари тингланади. Уч-тўрт талаба ўз ёзганларини ўқиб бергач, ўқитувчи қолган талабалардан айтилганларига ўхшамайдиган фикр кимда бўлса билдиришларини сўрайди.

### **3-илова**

#### **Таълим олганликни ташхис этишнинг таркибий қисмларини ўзлаштирилишига доир блиц-сўров саволлари**

1. Дидактик жараёнда ташхис деганда нима тушунилади?
2. Таълим олганликни ташхис этишнинг ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини анъанавий текшириш ва баҳолашдан фарқи нимада?
3. Ташхис этиш жараённинг таркибий қисмларига нималар киради?
4. Назорат деб нимага айтилади?
5. Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш, ўлчаш, баҳолаш нима деб аталади?
6. Текшириш деганда нима тушунилади?
7. Аниқлаш ва ўлчаш нима деб аталади?
8. Текширишнинг қандай бўғинлари (звенолари) мавжуд?
9. Баҳолаш деб нимага айтилади?
10. Баҳо деб нимага айтилади?
11. Ўқув фаолиятини ҳисобга олиш деганда нима тушунилади?

### **4-илова**

#### **“Талабаларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш турлари, шакл ва методлари” мавзусидаги чалкаштирилган мантиқий занжирлар кетмакетлиги**

- 1) оғзаки; 2) тест; 3) уй вазифаси; 4) оммавий; 5) ўз-ўзини назорат қилиш; 6) ёзма; 7) индивидуал; 8) амалий; 9) жорий; 10) аралаш; 11) оралиқ; 12) гурухли; 13) якуний

Топшириқни бажаришга доир кўрсатма:

- 1) чалкаштирилган ҳолда берилган таълим методлари билан танишинг;
- 2) методларни жадвалда кўрсатилганидек, мос устунга ёзиб чиқинг.

Назорат турлари	Назорат шакллари	Назорат методлари

**5-илова**

**Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолашга доир амалий топшириқлар**

Қуидаги масалалар билан танишинг ва уларнинг ечимини топинг.

**1-масала.** Талаба “Педагогиканинг асосий категориялари” хақида гапирайти. Асосий категорияларни санади, лекин уларни тўлиқ айтиб бера олмаяпти. Ўқитувчининг ёрдамчи саволларига эҳтиёж сезди. Ўқитувчининг саволлари ёрдамида хатоларни тўғрилай олди. Унга неччи баҳо қўйиш мумкин?

**2-масала.** Талабадан ўз ёзма ишида метод ва усул тушунчаларининг моҳиятини очиб бериш сўралди. Талаба ўз ёзма ишида метод ва усул тушунчаларига тўғри таъриф берган. Қуидагича мисол келтирган: “маъруза – бу метод. Мавзуни аниқлаш режасини тузиш, уларни баён этиш, умумлаштириб хулосалаш эса усуллари бўла олади”. Талабанинг ёзма ишини баҳоланг.

**3-масала.** Талаба оғзаки методларни санаб бера олди. Лекин уларнинг моҳиятини очиб бера олмади. Бироқ ҳар бирига мисол келтира олди. Унга қандай баҳо қўйса бўлади?

**4-масала.** Талаба педагогика фанидан семинарни тўлиқ ва тўғри ёзиб келган. Лекин ўқитувчи савол берганида дафтардан жавобни ўқиб бераяпти. Унга “4” балл қўйса бўладими?

**5-масала.** Мутахассислик фанидан бирор мавзуни танлаб олинг ҳамда мазкур мавзу бўйича ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқинг.

**6-илова**

**Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилишга доир муаммоли вазиятлар**

Қуидаги муаммоли вазиятлар билан танишинг ва уларнинг ечимини топинг.

1. Сиз ишлайдиган таълим йўналишидаги бир нечта талабага ўзингиз ўтаётган фандан 1-семестр бўйича якуний бални қўймадингиз. Бироқ семестр якунида ведемостда мазкур талабаларга балл қўйилганинг гувоҳи бўлдингиз. Сиз декан ўринбосарига учрашдингиз. Декан ўринбосари уларга

баллни кафедра мудири қўйиб юборганини айтди. Мазкур вазиятда сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?

2. Оила психологияси фанидан семинар машғулотларига ҳар доим тайёр бўлиб келадиган Суннатни ўқитувчи доскага чақирди. Бироқ у тайёр эмаслигини айтди. Ўқитувчи унга 0 балл қўйди. Суннат индамасдан жойига ўтирди. Суннатни уч кун олдин бувиси вафот этган эди, шунинг учун у дарсга тайёрлана олмаган эди. Сиз сабабни билган ва билмаган ҳолатда тутишингиз мумкин бўлаётган вазиятни шарҳланг.

3. Педагогика ва психология факультетида “Ахборот технологиялари” фанидан амалий машғулотларни ўтказадиган ўқитувчи талабаларнинг билим, кўникума, малакаларини назорат қилиб бормасди. Талабалар қишики таътилга чиққунга қадар уларнинг жорий назорат баллари қўйилмаган эди. Таътилга чиқишиганида ўқитувчи уларнинг жорий балларини қўйиб қўйганди. Таътил тугаб ўқишига қайтгач талабалар гурух журналида “Ахборот технологиялари” фанидан қўйилган жорий назорат балларини кўриб ҳайратланишди. Чунки балллар талабалар томонидан олинмаган эди.

- 1) ўқитувчи тўғри иш қилган деб ўйлайсизми?
- 2) ўқитувчи таълим олганликни ташхислашнинг қайси тамойилларини бузган?

<b>Машғулотнинг режаси</b>	<ol style="list-style-type: none"><li>1. Педагогика фанининг обьекти, предмети, мақсад ва вазифалари.</li><li>2. Педагогика фанининг асосий категориялари.</li><li>3. Педагогиканинг бошқа фанлар билан алоқадорлиги.</li><li>4. Педагогиканинг илмий-тадқиқот методлари.</li></ol>
----------------------------	---

3) ўқитувчининг талабаларнинг ўкув фаолиятини бундай назорат қилиши уларнинг фанга ва ўқитувчига нисбатан муносабатига салбий таъсир кўрсатадими?

### **1-расм. Ўқитувчилар томонидан баён қилинган ўкув машғулотининг тузилишига доир кўрсатма**

### **2-расм. Таълим технологиясини қабул қилишга доир масъул томонидан таклиф этилган вариант**

Ўқитувчиларнинг ҳаммаси шу тариқа қайтадан таълим технологиясини ишлашга киришишди. Шу билан баробар улар тренинг машғулотларини ўтказган ўқитувчиларга масъул томонидан кўрсатилган камчилик юзасидан арз қилиб, “Сиз бизга бунақа деб тушунтирмаган эдиз-ку?!” деган саволни ҳам

1)	1)
----	----

бериб улгуришди. Хуллас, ҳамма машғулотнинг тузилишини ўрнига мавзуу режасини қўйиб чиқишиди.

Ўқитувчиларга масъул томонидан қўрсатилган иккинчи камчилик машғулот режаси нечта бўлса, педагогик вазифалар ва кутиладиган натижалар ҳам шунча миқдорда (машғулот режасида тўртта масала мавжуд бўлса, педагогик вазифалар миқдори тўртта бўлиши) ёзилиши ҳақида бўлди (3-4 расмлар).

### **3-расм. Кириш маъруzasи бўйича масъул томонидан таклиф этилган педагогик вазифалар ва ўқув фаолияти натижалари**

<b>Ўқув машғулотининг тузилиши</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Ўқув курси ва машғулот мавзусига кириш.</li> <li>2. Аввал эгалланган билимларни мустаҳкамлаш.</li> <li>3. Маъруза матнини тарқатиш.</li> <li>4. тақдимот технологияси асосида маъruzani тақдим этиши.</li> <li>5. Мавзунинг асосий тушунчаларини аниқлаштириш.</li> <li>6. Мавзуни яқунлаш.</li> </ol>
<b>Педагогик вазифалар:</b> 2) фаннинг тузилишини шарҳлаш; 3) фан миқёсидаги методик ва ташкилий ишларнинг хусусиятлари, муддати ва баҳолаш мезонлари билан таништириш; 4) фаннинг обьекти, предмети, мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш; 5) фаннинг асосий категорияларини ажратиб кўрсатиш; 6) фаннинг методологик асосларини очиб бериш; 6) фаннинг бошқа фанлар билан алоқадорлигини баён этиш;	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> 2) фанга ажратилган умумий соатлар, уларнинг аудитория ва аудиториядан ташқари вақтда тақсимланиши, фаннинг модул-блоклари ҳақида тушунчага эга бўлинади; 3) фан бўйича машғулотларнинг бориши, БКМларни назорат қилиш турлари, шакл, метод ва воситалари, назоратларни ўtkазish вақти ва баҳолаш мезонлари ҳақида аниқ тасаввурлар шакллантирилади; 4) фаннинг обьекти, предмети, мақсад ва вазифаларини билиб оладилар; 5) фаннинг асосий категорияларини ўзлаштирадилар; 6) фаннинг методологик асосларига доир тасаввурлар ҳосил қилинади; 7) фаннинг бошқа фанлар билан алоқадорлигини таққослайдилар.

#### **4-расм. Кириш маъruzаси бўйича ўқитувчилар томонидан лойиҳаланган педагогик вазифалар ва ўқув фаолияти натижалари**

Масъул томонидан берилган кейинги камчилик маъруза матнини таълим воситаси бўла олмаслиги билан боғлиқ бўлди. Ўқитувчилар технологик модел ва картадан сўнг мавзуга доир таянч конспектни беришган эди. Ана шу сабабли восита сифатида “маъруза матни”ни кўрсатишган эди. Масъулга эса буни ҳеч қанасига тушунтира олишмади. Ҳатто таянч конспектли маърузани иловадан олиб ташлаб, слайдларни бериш таклиф этилди. Ўқитувчилар энди бу топширикни ҳам бажара бошлиди.

Масъул томонидан берилган навбатдаги таклиф ўқитувчиларни бутунлай ҳайрон қолдирди. Маъруза машғулотлари ишланмаларида талabalарни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш шарт деб айтилди. Ўқитувчилар маъруза машғулотларида талabalар баҳоланмаслигини айтишганда, педагогик технология асосида дарс ўтилса, баҳоланиши керак деган жавобни эшитдилар. Кимdir бу фикрни инобатга олиб, технологик ишланмаларда маъруза машғулотларида талabalарни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқди, айрим ўқитувчилар эса, бундай қилмасликни лозим деб топишиди.

Масъул томонидан ҳар сафар камчилик кўрсатилавергандан сўнг, ўқитувчилар ундан битта у “идеал” деб билган намунани олишди ва шунга ўзларининг ишланмаларини мослаштиришга ҳаракат қилишди. Энди ҳамма маъруза машғулотлари ишланмаларида “визуал маъруза” сўзини, “Қандай” диаграммасси, “Балиқ скелети” чизмаларини қўлланилиши одатий ҳолга айланди. Энг асосийси, кўпчилик ўқитувчилар “визуал маъруза” ўзи нима эканлигини, “Қандай” диаграммасси, “Балиқ скелети” чизмалари қандай қўлланилишини билмаган ҳолда, таълим технологияларини яратишиди. Мақсад: қандай қилиб бўлса ҳам таълим технологиясини топшириб, вазифадан озод бўлиш эди.

Таълим технологияларини яратиш бундай йўл билан ҳам охирига етмади. Ҳозир ҳам уларни яратиш ва қабул қилиш давом этмоқда...

**Сиз нима деб ўйлайсиз, юқорида баён этилган ҳолатда яратилган таълим технологияларини амалиётда қўллаб самарадорликка эришиш мумкинми? Таълим технологияларини яратишда ўқитувчидаги қандай касбий компетентлик шаклланган бўлиши лозим? Таълимни технологизациялашда асосий эътибор нимага қаратилиши зарур? Педагогик вазифалар ва кутиладиган натижаларни аниқлаштириш қандай йўл билан амалга оширилиши мақсадга мувофик?**

## **МАЪРУЗА МАТНИ**

### **1-мавзу: Педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш стратегиялари**

**Режа:**

- 1. Педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар.**
- 2. Педагогик масалаларни ҳал этиш стратегиялари.**
- 3. Таълим-тарбия жараёнида педагогик маҳорат ва нутқ маданияти.**

Таълимдаги инновацион жараёнлар қоидага мувофиқ уч асосий – ижтимоий-иктисодий, психологик-педагогик ва ташкилий-бошқарувга доир жиҳат билан боғлиқликда қўриб чиқилади. Мазкур жиҳатларнинг мазмунидан инновацион жараёнлар юзага келадиган умумий шарт-шароитлар ҳосил бўлади. Мавжуд шарт-шароитлар инновацион жараённинг амалга ошишига тўсқинлик қилиши ҳам мумкин. Инновацион жараёнлар ҳам стихияли, шунингдек, онгли бошқарилиши мумкин. Янгилик киритиш – бу энг аввало, табиий ва сунъий ўзгаришлар жараёнини бошқариш функцияси. Шунинг учун таълимдаги инновацион жараён – бу таълимдаги ўзгаришларни бошқариш жараёни демакдир<sup>1</sup>.

Инновацион жараён инновацион фаолиятдан ташқари ўз ичига кўплаб уни амалга ошириш шарт-шароитларини, шу жумладан, фаолият субъектларини қамраб олади. Инновацион жараён субъекти деганда, таълим муассасаларига янгиликлар киритиш жараёнига иштирок этувчи шахслар (ректор, проректор, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчилар, талабалар, ота-оналар, хомийлар, методистлар, консультантлар, эксперталар) ва таълимни бошқариш органлари тушунилади. Улар ҳаракатининг бирлиги маълум бир натижаларга эришишга олиб келади. Инновацион жараён субъекти сифатида ўқитувчи янгиликни ўзлаштирувчи ва амалиётга татбиқ этишда катта роль ўйнайди. Мазкур жиҳат инновацион мухит шароитида педагог фаолиятини

<sup>1</sup> Хуторский А.В. Педагогическая инноватика. – М.: Академия, 2008. – С.40.

бошқаришда қатор ўзига хос жиҳатларга эътибор қаратишни талаб этади. Одатда, олий таълим муассасаларида раҳбар-ходимлар инновацияларни жорий этиши жараёнида профессор-ўқитувчиларнинг хулқ-автори турли хил кўринишларда (айримлари янгиликни татбиқ этишига қаршилик кўрсатиши, баъзилари бутунлай инкор этиши)да намоён бўлиши ҳақида кўп гапиришади. Аслида мазкур ҳолат табиий жараён бўлиб, инновацияларни жорий этишида педагог фаолиятини бошқаришда қуидаги босқичларни ҳисобга олишлари ва ана шу асосда уларга таъсир кўрсатишлари лозим: янгиликни инкор этиши, янгиликка қаршилик кўрсатиши, янгиликни тадқик этишига киришиши, янгиликни татбиқ этиши доирасини кенгайтириши, янгиликни қўллашини анъанага айлантириши.

Биринчи – инкор этиш босқичи жамоа аъзоларининг янги ғояни қабул қилишга тайёр эмасликлари, аввалги йўналиш бўйича иш тутишга истак билидиришлари кўринишида намоён бўлади. Мазкур босқичда раҳбар янги ғоя ҳақида кўпроқ ахборот бериши, унинг имкониятлари ва натижавийлигини кўрсатиб бера олиши муҳим саналади.

Иккинчи – янгиликка қаршилик кўрсатиш босқичида раҳбар жамоа аъзоларининг очиқ қаршилигига учрайди. Ана шу сабабли мазкур босқичда раҳбар у томонидан илгари сурилаётган ғоянинг қўллаб-қувватловчи аъзоларни тўплаши ва уларга суюниши зарур.

Учинчи – янгиликни тадқик этиш босқичда педагоглар маълум танаффусдан сўнг янги ғояларни идрок этадилар, янги фаолият усулларини қўллай бошлайдилар. Мазкур босқичда раҳбар томонидан “ақлий хужум” уюштирилиши жамоанинг инновацион фаолиятини ташкил этишда яхши самара беради.

Тўртинчи, яъни янгиликни татбиқ этиш доирасини кенгайтириш – ижодий гурухларни кенг тарзда ривожлантириш босқичидир. Инновацион фаолиятни мувофиқлаштиришни тезда яхшилашнинг мақсади аниқланади, янги мазмуни изланади, янги ритуаллар яратилади.

Бешинчи – янгиликни қўллашни анъанага айлантириш босқичида янгилик таълим муассасаси таълим амалиётига мустаҳкам кириб боради ва жорий этилади<sup>2</sup>.

*Сўз бошида таъкидлаб ўтганимиздек, республикамизда педагог кадрларнинг қайта тайёрлаш ва малакасини ошириши ишига кенг эътибор қаратилган. Бироқ фақат маълум вақт оралиғидаги қисқа курслар доирасида доимий равишида ўзгаришилар, янгиланишилар билан бойиб борадиган педагогик фаолиятнинг самарадорлиги тўлиқ таъминланмайди. Педагогик фаолиятда юзага келадиган янгиликларни самарали ўзлаштиришининг ва амалиётга жорий этишининг муҳим воситаларидан бири педагог-кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришидир.*

Педагогика ва педагогик менежментда инновацион салоҳият тушунчаси икки хил тарзда талқин этилади: кенг маънода – таълим муассасасининг инновацион салоҳияти, тор маънода – ўқитувчининг инновацион салоҳияти. Таълим муассасасининг инновацин салоҳияти деганда, унинг ўз-ўзини ривожлантиришга тайёрлиги, шахснинг ўз-ўзини ривожлантириш учун маданий-таълимий муҳитнинг ва шарт-шароитларнинг хилма-хиллиги ҳамда коммуникатив муносабатларнинг юқори даражаси тушунилади. Алоҳида педагог учун эса, бу – унинг шахсидаги ижтимоий-маданий ва ижодий ўзига хосликлар йиғиндиси, педагогик фаолиятни такомиллаштиришга тайёрлиги ҳамда бунинг учун зарурый ички восита ва методларнинг мавжудлигидир<sup>3</sup>.

Олий таълим муассасаларида инновацион салоҳият – инновацион жараённинг муҳим шарти сифатида қаралиб, уч таркибий қисмни ўз ичига қамраб олади: олий ҳарбий билим юрти педагогик жамоасининг инновацион

<sup>2</sup> Зуфаров Ш.М. Педагогика колледжларида инновацион жараёнларни тизимли бошқариш: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2010. – Б. 70-71.

<sup>3</sup> Волчкова А.П. Управление инновационным процессом в современной школе: организационно-педагогический аспект: дисс. ... канд.пед.наук. Москва 1999. – С.101.

салоҳияти, ижодий гурухларнинг инновацион салоҳияти ҳамда алоҳида (конкрет) ҳарбий педагогнинг инновацион салоҳияти.

Олий таълим муассасаларида инновацион салоҳиятни ривожлантириш динамик тавсифга эга бўлиб, ички(субъектив) ва ташқи (объектив) омиллар таъсирида юзага чиқади. Ана шу сабабли педагог-кадрларнинг малакасини ошириш воситаси сифатида инновацион салоҳиятни ривожлантиришга таъсир этувчи ички ва ташқи омилларнинг аҳамиятини ҳисобга олиш мухим аҳамиятга эга. Педагогик инноватика ва инновацион менежментга доир тадқиқотлар ва адабиётлар таҳлилига асосланиб айтиш мумкинки, бугунги кунда педагог-кадрларининг инновацион салоҳиятни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи қўйидаги омиллар мавжуд:

- 1) новация (янгиликлар)нинг фойдаланувчиларга тушунарли бўлмаслиги;
- 2) агар таклиф қилинган янгиликни жорий қилиниши кўп кучни талақ қиласа-ю, ўқитувчиларнинг эса имкониятлари чекланган бўлса, бу ҳолат янгиликни ўзлаштиришни тўхтатиш омили бўлиши мумкин;
- 3) субъект томонидан янгиликни ўзлаштириш учун етарли даражада мотивациянинг мавжуд эмаслиги;
- 4) янгиликларни қабул қилишга нисбатан қаршилик ва унинг очиқ намоён бўлмаслиги кабилар.

Инновацион салоҳиятни ташкиллаштириш жараёнининг тузилиши мураккаб тавсифга эга бўлиб, салоҳиятнинг ривожланиш даражаси эса инновацион имкониятларни, педагог кадрларларнинг ўз меҳнати самарадорлигидан қониқиши ҳосил қилишларини тақозо этади. Мазкур таърифни асос қилиб олган ҳолда, инновацион салоҳиятнинг қўйидаги таркибий қисмларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Технологик таркибий қисм педагогларнинг касбий қўнимка ва малакаларга эгалиги даражаси, ишлаб чиқариш технологиялари,

ташкилотдаги янгиланишларни бошқариш ва амалга ошириш билан тавсифланади.

Педагог-кадрларнинг инновацион фаолиятга технологик тайёрлиги куйидагиларда намоён бўлади:

- 1) ўз фаолият натижаларини танқидий баҳолай олиш қобилияти;
- 2) ўз касбий компетентлик даражасини ошириш;
- 3) янги ахборотни ижобий идрок этиш қобилиятига эгалик;
- 4) ташкилий маданият ва психологик муҳитнинг инновацион фаолиятга йўналганлиги.

2. Когнитив таркибий қисм ўзида жамоа аъзоларининг келгуси янгиланишлардан хабардорлиги, шу билан бирга инновация субъектларининг профессионал билим даражасини акс эттиради.

3. Креатив таркибий қисм профессионал фаолиятни амалга оширища педагогларда ижодий ёндашувнинг мавжудлиги, уларнинг муаммоли вазиятларда ностандарт фикрлай олиш қўникмаларига эгаликларини аниқлаб беради.

4. Психологик муҳитда намоён бўлувчи муассасанинг ташкилий маданияти, қадриятга йўналганлиги, ижтимоий установкалар, жамоа аъзоларининг хатти-харакатлари инновацион салоҳиятнинг регулятив таркибий қисми мазмун-моҳиятини очиб беради.

5. Жамоа аъзоларининг инновацияни ўзлаштириш жараёни, уларнинг фаолиятига таъсир этиши, уни кучайтириши ё сусайтириши ҳиссий-эмоционал таркибий қисм билан белгиланади.

6. Мотивацион таркибий қисм жамоа аъзоларининг янгиликка муносабатини аниқлаш: инновацион фаолиятга даъват этиш, унинг чегара ва шаклларини белгилаб бериш, таълим муассасаси мақсадларига эришишга йўналтирилган, мўлжалланган мотивлардан таркиб топади.

Мотивацион-ижодий йўналганлик педагог-кадрларда куйидаги эҳтиёж ва қобилиятларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади:

- 1) педагогик вазифаларни ҳал этишга доир стандарт бўлмаган ёндашувларни излаб топиш;
- 2) изланишли-тадқиқотчилик фаолиятини амалга ошириш;
- 3) янгиликларни амалиётда қўллай олиш учун мавжуд билимлардан фойдалана олиш ва уларни ривожлантириш;
- 4) педагогик рефлексияни амалга ошириш;
- 5) ижтимоий-иктисодий ва педагогик шарт-шароитларга доир ўзгаришларга тез мослаша олиш.

Педагогика фанида жамоанинг инновацион салоҳиятини баҳолашга доир ёндашувлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар орасида диагностик ёндашув кенг тарқалган. Диагностик ёндашувни амалга ошириш аниқ белгиланган мезонлар асосида жамоанинг ривожланганлик даражасини ташхис этиш ва таҳлил этиш ҳамда инновацион фаолиятга таъсир этувчи омилларни баҳолашни талаб этади.

Педагог-кадрларнинг инновацион салоҳиятини ривожлантиришга таъсир кўрсатувчи омиллар сифатида қўйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатиб ўтиш мумкин:

- 1) ҳарбий педагог-кадрларнинг ижод қилиши учун эркинликнинг тақдим этилганлиги;
- 2) новатор педагогларни ресурслар билан таъминланишининг раҳбарият томонидан қўллаб-қувватланиши;
- 3) жамоада мунозара ва фикрлар алмашинувининг фаол йўлга қўйилганлиги;
- 4) касбий компетентликни ривожлантиришга иштиёқнинг рағбатлантирилганлиги;
- 5) педагогнинг ўз-ўзини ривожлантириши учун имкониятларнинг тақдим этилиши;
- 6) юқори даражадаги ахборий таъминотнинг йўлга қўйилганлиги;
- 7) ўзгаришлар аргументациясининг асосланганлиги;

8) жамоада ишонч ва ўзаро бир-бирига ёрдам бериш жараёнининг кўллаб-куватланиши.

*Инновацион муҳит шароитида юзага келаётган педагогиканинг долзарб муаммоларидан бири бу ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган қийинчиликлар бўлиб, мазкур муаммонинг ҳал қилинмаслиги қуидаги салбий оқибатларни келтириб чиқаради: 1) педагогнинг ўз ишидан қониқмаслиги; 2) педагогик меҳнат самарадорлигининг пасайиши; 3) психик зўриқишининг кучайиб бориши; 4) касбий деформацияларнинг тўпланиб бориши ва бошқалар.*

Ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган муаммолар кўп аспектли тавсифга эга бўлиб, уларни асосий жиҳатларига қуидагиларни киритиш мумкин:

1. Касбий. Ушбу жиҳат билан боғлиқ қийинчиликлар самарадорлик, ишонч, фаолият сифати орасидаги сабаб-оқибат алоқадорликлари ва фаолият субъектининг индивидуал ўзига хосликларини ўрганиш билан тавсифланади.

2. Физиологик. Мазкур жиҳат ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган қийинчиликларни унинг олий нерв фаолияти тизими ва сенсомотор ҳаракатлари орасидаги боғлиқликда кўриб чиқади.

3. Ижтимоий. Ушбу жиҳат билан боғлиқ қийинчиликлар ўқитувчининг ижтимоий мавқеи, обрў-эътибори, уни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишини тақозо этади.

4. Тиббий. Мазкур аспект фаолиятдаги қийинчиликларни ўқитувчининг руҳий, жисмоний соғломлиги, турли касалликларни орттириши, уларни саломатликка таъсирини аниқлаб беради.

Ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ўрганишнинг касбий жиҳати муракқаб қўринишга эга бўлиб, кенг қамровли таҳлилни талаб этади. Касбий фаолият билан боғлиқликда юзага келаётган қийинчиликлар қуидаги қўринишларда намоён бўлиши мумкин: 1) фаолиятнинг объектив шарт-шароитлари. Яъни шахснинг ўз фаоллигини намоён қилишга тўсқинлик

қилиниши, бошқача айтганда баръерларнинг мавжудлиги; 2) шахснинг ўзига хос психологияк хусусиятлари.

Ўқитувчининг касбий фаолиятида юзага келувчи қийинчиликларнинг объектив шарт-шароитларига қуидагиларни киритиш мумкин:

- 1) ўқитувчи меҳнатини ташкил этишда методик таъминотнинг етарли бўлмаслиги;
- 2) ўқитувчи фаолиятини баҳолашдаги формализм (юзакилик);
- 3) ўқитувчининг иккинчи даражали вазифаларга жалб этилиши.

Педагог шахсининг специфик ўзига хосликлари билан боғлиқлиқда юзага келадиган қийинчиликлар:

- 1) педагогик фаолиятни амалга оширишда ички куч ва имкониятларнинг етарли эмаслиги;
- 2) соҳадаги ислоҳотлар билан боғлиқлиқда фаолиятни ўзгартириш имконини бермайдиган ўз-ўзини йўналтириш механизмининг бузилиши;
- 3) салбий психологик ҳолатлар (ишончсизлик, асабийлик, қўрқув, ўз фаолиятидан қониқмаслик ва бошқалар).

Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш қуидаги стратегияларга асосланишни талаб этади: 1) касбий ривожланиш (конструктив стратегия); 2) психологик муҳофаза (ҳимоя стратегияси); 3) касбий деформация (деструктив стратегия).

Олий таълимда фаолият юритадиган профессор-ўқитувчиларни касбий етуклиқ даражасига кўра шартли равишда тўрт гурӯхга ажратиш мумкин: адаптация босқичидаги, функционал барқарорликка эга, касбий маҳоратга эга ва новатор ўқитувчилар.

Адаптация босқичидаги ўқитувчилар учун хос муаммоли вазиятлар касбий мухитга кириш, педагогик жамоадаги меъёр, қадрият ва анъаналарни қабул қилиш кабилар билан боғлиқдир. Мазкур мураккабликлар объектив тавсифга эга бўлиб, мавҳум алоқадорлик эса, ёш ўқитувчи таълим жараёнида эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ҳамда педагогик фаолиятга доир

меъёр ва қадриятларни реал амалиётга қўллай ёки қўллай олмаслигига намоён бўлади.

Функционал барқарорликка эга ўқитувчиларда мураккаб вазиятлар педагогик стереотипларни мураккаблашуви билан боғлиқлиқда юзага келади. Бу эса ўқитувчидан ташаббускор қайта касбий ўз-ўзини намоён этишни талаб этади.

Маҳоратли педагоглар учун қийинчиликлар инновацион тўсиқларни енгиб ўтиш билан боғлиқ. Педагогик фаолиятдаги тўсқинликлар кўпинча педагог фаолиятини чегаралаб қўйиш кўринишида намоён бўлади.

Мазкур типология билан боғлиқлиқда юзага келадиган қийинчиликларни ҳал этишда бир ёки бир неча стратегияни қўллаш мақсадга мувофиқ. Масалан, ёш ўқитувчилар фаолиятида юзага келадиган қийинчиликлар энг аввало, уларнинг касбий ривожланиши босқичма-босқич такомиллаштириб борилиши, касбий фаолият билан боғлиқ муаммоли вазиятларни ҳал этишда уларни психологик қўллаб-қувватлаш, ўз-ўзига ишонч, масъулиятни қарор топтириш, шунингдек, ўзгарувчан вазиятларда мувафақиятли ҳаракатлана олиш стратегияларини талаб этади.

### **Мавзуга оид назорат саволлари**

1. Педагогик фаолиятни ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар?
2. Мавжуд муаммолари ҳал этишнинг қандай стратегияларини биласиз?
3. Таълим-тарбия жараёнида педагогик маҳорат ва нутқ маданияти талаблари?
4. Ўқитувчининг педагогик маҳорати.
5. Педагогик маҳорат элементлари.

## **2-мавзу: ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК АТАМАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ: МУАММО ВА ЕЧИМЛАР**

**Режа:**

- 1. Замонавий педагогикага оид асосий тушунчалар мазмуни ва моҳияти.**
- 2. Таълим-тарбия жараёнида педагогик маҳорат принциплари.**
- 3. Педагогнинг маҳорати ва нутқи таълим-тарбия жараёнига таъсири.**

Замонавий шароитда яхлит педагогик жараён, унинг алоҳида таркибий қисмлари, педагогик фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқликда “методика” ва “технология” тушунчалари кўп қўлланилади. Ҳатто, мазкур тушунчалар моҳиятини тавсифлашда ҳам хилма-хил ёндашувлар мавжуд бўлиб, педагогик соҳада фаолият юритувчи шахслар ўртасида ҳам кўпгина тортишув, баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Педагогик адабиётларни таҳлил қилиш, маълумотларни умумлаштириш орқали мазкур тушунчаларнинг аниқ таърифини шакллантириш мумкин.

Умумий маънода “методика” тушунчаси маълум бир ишни бажариш учун зарур бўладиган метод ва усуллар йиғиндисидир. Кўпгина изоҳли луғатларда ҳам “Методика – қатъий кетма-кетликка (алгоритмик характерга), илгари ўрнатилган режа (қоида), тизимга аниқ риоя қилиш бўлиб, бирор бир ишни мақсадга мувофиқ ўтказиш методлари, йўллари мажмуаси”ни ифода этиши кўрсатиб ўтилган<sup>4</sup>.

*“Методика” тушунчасига берилган хилма-хил таърифларга таянган ҳолда қуийидаги умумлашмаларга келиши мумкин:*

---

<sup>4</sup> Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О., Усманов Н. Педагогика фанидан изоҳли луғат. — Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009. — Б.311; Ожегов С. И., Шведова Н. Ю. Толковый словарь русского языка: 80 000 слов и фразеологических выражений / Российская академия наук. Институт русского языка им. В. В. Виноградова. — 4-е изд., дополненное. — М.: Азбуковник, 1999; Словарь бизнес-терминов. Академик.ру. 2001.

1) методика – бу ўқитувчи ишини ташкил этишининг шакл, метод ва воситалари;

2) маълум бир фаолиятини амалга ошириши учун зарур бўлган метод ва усуллар йигиндиси;

3) билим, кўнишка ва малакаларни эгаллаш жараёнини мақсадга йўналтирилган тарзда ташкил этиши, режали ва тизимли амалга оширишига ёрдам берувчи усуллар йигиндиси.

“Методика” тушунчаси турли фанларни ўқитиш билан ҳам боғликлиқда кўлланилиб, маълум соҳани ўқитиш жараёни, мазмуни, қонуниятлари, тамойиллари, шакл, метод ва воситалари йигиндисини ўзида ифода этади. Педагог олим А.М.Столяренконинг фикрича, “Ўқув фанларини ўқитиш методикаси методика маълум бир педагогик вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ метод, методик усуллар, восита ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуидир”<sup>5</sup>. Г.М.Коджаспирова, А.Ю.Коджаспировларнинг фикрича, “Ўқитиш методикаси педагогик фаолиятни амалга оширишнинг аниқ усуллари, услублари ва техникасидир”<sup>6</sup>.

Ўқитиш методикасига қўйиладиган зарурий талабларга қуйидагилар киради:

- 1) ҳаёт билан уйғунлик;
- 2) қайта ишлаб чиқишга йўналганлик;
- 3) аниқлик;
- 4) режалаштирилган ҳаракат мақсад ва вазифаларига мослик;
- 5) асосланганлик;
- 6) натижавийлик.

Юқоридаги фикрларни умумлаштириб айтганда, ўқитиш методикаси ўзида:

---

<sup>5</sup> Столяренко А.М. Психология и педагогика. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – С.368.

<sup>6</sup> Коджаспирова Г.М. и Коджаспиров А.Ю. Словарь по педагогике. – М.: ИКЦ «МарТ» , 2005. – С.174.

- таълимнинг мақсад ва вазифаларини – таълимий, тарбиявий, ривожлантирувчи, ташкилий;
- таълимнинг қонуният ва тамоийилларини;
- таълим мазмунини;
- таълимни ташкил этишининг асосий ва ёрдамчи шакларини;
- таълимнинг умумий ва хусусий методларини;
- ўқув воситалари;
- ўқитиши натижасини акс эттиради.

Ана шу асосдан келиб чиқсан ҳолда, қуйида ўқитиш методикаси моҳиятини ёритиб берувчи асосий тушунчаларга изоҳ бериб ўтамиз:

1) *ургатиш* – ўқитиш мақсадини амалга ошириш бўйича педагогнинг тартибланган фаолияти;

2) *урганиш* – англаш, машқ қилиш, ва эгалланган тажрибалар асосида хулқ-автор ва фаолиятнинг янги шакларини эгаллаш жараёни, олдин эгалланганлари ўзгаради;

3) *ўқитиши* – қўйилган мақсадга эришишга йўналтирилган педагог билан талабаларнинг тартибланган ўзаро ҳаракати;

4) *таълим* – ўқитиши жараёнида эгалланадиган билим, кўникма, малакалар, фикрлаш усуллари тизими;

5) *билим* – маълум бир фанни назарий ўзлаштиришни акс эттирадиган инсон ғоялари йиғиндиси;

6) *кўникма* – эгалланган билимларнинг аниқ хатти-ҳаракатдаги ифодаси, ўзлаштирилган билимларни амалиётга қўллаш усулларини эгаллаш;

7) *малака* – автоматлашган, бирор бир учул билан бехато бажариш, кўникманинг такомиллашган даражаси;

8) *мақсад* – ўқитишнинг нимага қаратилганлиги, унинг кучлари келгусида қай йўсинда сафарбар этилиши;

9) *мазмун* – ўқитиш жаараёнида эгалланиши лозим бўлган илмий билим, амалий кўникма ва малакалар, фаолият, фикрлаш усуллари тизими;

10) *ташил этии* – қўйилган мақсадни яхши амалга ошириш учун унга зарурий шаклни тақдим этадиган, аниқ мезонлар бўйича тартибланган дидактик жараён;

11) *шакл* – ўқув жараёнининг ташқи ифодаси, унинг ички моҳияти, мантиғи, мазмуни учун қобиқ;

12) *метод* – ўқитишининг мақсад ва вазифаларига эришиш (амалга ошириш) йўли;

13) *восита* – ўқув жараёнининг предметли қўллаб-қувватланиши, янги материални ўзлаштириш жараёнида ўқитувчи ва талабалар томонидан фойдаланиладиган объект;

14) *натижса* – ўқув жараёнининг сўнгги маҳсули, белгиланган мақсадларнинг амалга ошганлик даражаси.

Илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши жамиятни иқтисодий тараққий эттириш билан бир қаторда ижтимоий муносабатлар мазмунида ҳам туб ўзгаришларнинг рўй беришига замин яратмоқда. Шунингдек, иқтисодий соҳада бўлгани сингари ижтимоий, шу жумладан, таълим соҳасида ҳам технологик ёндашувни татбиқ этишга катта аҳамият қаратилмоқда.

“Технология” юонча сўз бўлиб, “techne” – маҳорат, санъат ва “logos” – тушунча, таълимот, фан маъносини англатади. “Таълим технологияси” иборасининг маъноси – (инглизча “An educational technology”) таълим жараёнини юксак маҳорат билан санъат даражасида ташкил этиш тўғрисида маълумот берувчи фан, таълимот демакдир. Айни вақтда мазкур тушунчанинг таърифи ҳамда унинг моҳияти борасида ягона фоя мавжуд эмас. Бу назария моҳиятининг ёритилишига нисбатан турли ёндашувлар мавжуд.

“Педагогик технология” – бу таълим шаклларини жадаллаштириш вазифасини кўзлаган ўқитиш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини техника ва инсон омилларида ва уларнинг биргаликдаги

ҳаракатлари воситасида яратиш, татбиқ этиш ва белгилашнинг изчилигидир” (ЮНЕСКО).

“Педагогик технология – педагогик мақсадларга эришишда фойдаланиладиган шахсий имкониятлар, жиҳозлар ва методологик воситаларда амалда бўлишнинг тизимли йифиндиси ва тартибини билдиради” (М.В.Кларин).

“Педагогик технология – ўзида турли муаллифлар (манбалар)нинг барча таърифлари мазмунини қамраб олган мазмуний умумлашма ҳисобланади”. (Г.К. Селевко).

“Педагогик технология – психологик ва педагогик ўгитлар йифиндиси бўлиб, шакллар, методлар, усуслар, ўқитиш йўллари, тарбиявий воситаларнинг махсус тўпламидир. Айни замонда у педагогик жараённинг ташкилий-методик омилини ҳам билдиради” (Б.Т.Лихачев).

“Педагогик технология – ўқув жараёнини амалга оширишнинг мазмуний техникаси” (В.П.Беспалько).

“Педагогик технология – режалаштирилган ўқитиш натижаларига эришиш жараёни тавсифи” (И.П. Волков).

“Технология – ишлов бериш, ҳолатни ўзгартириш санъати, маҳорати, малакаси ва методлар йифиндиси” (В.М.Шепель).

“Педагогик технология – ўқув жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланувчанлигини ҳамда педагогик жараён барқарорлигини ошириб, бу жараён иштирокчисининг субъектив хусусиятларидан уни озод қилади”. (В.М.Манахов).

“Педагогик технология -тизимли, технологик ёндашувлар асосида таълим шаклларини кулайлаштириш, натижасини кафолатлаш ва объектив баҳолаш учун инсон салоҳияти ҳамда техник воситаларнинг ўзаро таъсирини инобатга олиб, таълим мақсаддарини ойдинлаштириб, ўқитиш ва билим ўзлаштириш жараёнларида қўлланадиган усул ва методлар мажмуидир”. (М.О.Очилов).

“Педагогик технология бу ўқитувчи (тарбиячи) томонидан ўқитишиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчиларга таъсир кўрсатиш ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгилаб олинган шахс сифатларини шакллантириш жараёни” (*Н.Саидахмедов*).

“Педагогик технология бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланишини кафолатловчи педагогик фаолият жараёнининг мазмунидир” (*Ў.К.Толипов*).

Юқорида келтириб ўтилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, педагогик технологиянинг аҳамияти аввал ўзлаштирилган назарий билимлар билан янги ўзлаштириладиган билимлар орасида мустаҳкам боғланишларнинг юзага келиши билан белгиланади. Мазкур жараёнда қуидаги қоидаларга амал қилиш талаб этилади:

- *тенг қийматли (эквивалент) амалиёт қоидаси*: таълим олувчиларнинг таълим жараёнидаги хатти-ҳаракатлари тест ўтказиш ёки имтиҳон даврида таълим олувчи томонидан ташкил этилиши кутиладиган хатти-ҳаракатларга тўла мос келади;

- *ўхшааш амалиёт қоидаси*: таълим олувчилар содир этилиши кутилаётган хатти-ҳаракатларини ташкил этиш мажбуриятига эга бўлмай, балки моҳияттан шундай бўлган шароитларда машқ қилиш имконига эга бўладилар;

- *натижсаларни аниқлаш қоидаси*: таълим олувчига унинг ҳар бир хатти-ҳаракатининг мазмунини баҳолаш натижалари бўйича маълумот бериш, мазкур шартга аксарият ҳолларда жорий назоратни ташкил қилиш жараёнида риоя этилади;

- *рағбатлантириш қоидаси*: талабанинг мақбул хатти-ҳаракатларини рағбатлантириб бориш, педагогик фаолият жараёнида талаба томонидан содир этилган салбий хатти-ҳаракатлар учун унга танбех берилмайди, балки уларни бартараф этиш истагини юзага келтирувчи амалий кўрсатма берилади. Масалан, “яна бир марта уриниб кўр”, “янада чуқурроқ ўйлаб кўр”, “масалани

ҳал этишнинг янада осонроқ йўли бор, уни топишга уриниб кўр” ва ҳакозолар.

Таълим амалиётида “педагогик технология” тушунчаси уч даражада қўлланилади:

*Умумпедагогик (макро) даражса.* Мазкур даражага мувофиқ келадиган технологиялар яхлит педагогик жараёнга тегишли бўлиб, таълим тизимининг барча турларида қўллаш имконини беради.

*Хусусий-методик (мезо) даражса.* Ушбу даража ўзида маълум бир ўкув фани, алоҳида таълим олувчилар гуруҳи, маълум ихтисосликка мансуб педагогларга йўналганликни акс эттиради.

*Локал даражса (микро).* Мазкур даражага тегишли технологиялар ўқувтарбия жараёнининг алоҳида таркибий қисми, алоҳида шахс сифатларини шакллантириш, маҳсус ўқув кўникма ва малакаларини таркиб топтиришга хизмат қиласи.

Педагогик технологияга хос яна бир муҳим жиҳат унинг алоҳида таснифий белгиларга эга бўлишидир. *Ҳар қандай педагогик технология қўйида таснифий белгиларга тўлиқ жавоб берииши лозим:* 1. Кўлланилиш даражаси ва тавсифи. 2. Фалсафий асоси. 3. Методологик ёндашуви. 4.

Ривожланишнинг етакчи омиллари. 5. Тажрибани ўзлаштиришнинг илмий концепцияси. 6. Шахсни ривожлантириш соҳасига йўналганлиги ва тузилиши. 7. Мазмунли тавсифи. 8. Ижтимоий-педагогик фаолият тури. 9.

Кўлланиладиган методлари. 10. Ташкилий шакллари. 11. Таълим олувчига ёндашув ва ўзаро ҳаракат таъсири. 12. Модернизацион йўналиши ва анъанавий тизимга муносабати. 13. Кўлланилиш тоифаси.

Қўйида педагогик технологиянинг кўлланилиш даражаси ва таснифий белгиларининг моҳиятини ифода этувчи айрим мисолларни келтириб ўтамиз:

**I. Технологиянинг номланиши: Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологияси.**

**Технологиянинг таснифий белгилари:**

- қўлланилиши даражаси ва тавсифи: умумпедагогик даражадан микротехнология даражасигача;
- фалсафий асоси: 1) инсонпарварлик; 2) барча хилма-хил концепциялар;
- методологик ёндашуви: тизимлилик, шахсга йўналтирилганлик, индивидуаллик, фаолиятли ёндашув, қадриятга йўналтирилган ёндашув;
- ривожланишинг етакчи омиллари: 1) социоген; 2) психоген;
- тажрибани ўзлаштиришинг илмий концепцияси: ассоциатив-рефлекторли + фаолиятли + ривожлантирувчи + интериоризаторли;
- шахсни ривожлантириши соҳасига йўналганлиги ва тузилиши: БМО (билим, малака, одат) + ЭАС (эстетик-ахлоқий соҳа) + ЎзБМС (ўз-ўзини бошқариш механизми соҳаси)+ҲАС (ҳаракатли-амалий соҳа);
- мазмунли тавсифи: таълимий, тарбиявий, технократик;
- ижтимоий-педагогик фаолият тури: ижтимоийлаштириш;
- қўлланиладиган методлари: 1) изланишли; 2) хилма-хил тарбия методларидан фойдаланиш;
- ташкилий шакллари: 1) индивидуал; 2) барча тарбия шакллари;
- қўлланиладиган воситалари: 1) аудиовизуал; 2) барча тарбия воситалари;
- тарбияланувчига ёндашув ва тарбиявий ўзаро ҳаракат тавсифи: шахсга йўналтирилган;
- модернизацион йўналиши ва анъанавий тарбиявий тизимга муносабати: мотивацион, мазмунли, фаолиятли ва қадриятга йўналтирилган функцияни кучайтириш асосида;
- қўлланилиши тоифаси: оммавий, барча тоифадаги тарбияланувчилар учун<sup>7</sup>.

---

<sup>7</sup> Қаранг: Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологияси. Монография. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2012.

**II. Технологиянинг номланиши: Фалсафий-антропологик ёндашув асосида талабаларнинг тарихий тафаккурини шакллантириши технологияси.**

**Технологиянинг таснифий белгилари:**

- *қўлланилиши даражаси ва тавсифи:* хусусий даражада қўлланилиш тавсифига эга мезотехнология;
- *фалсафий асоси:* 1) антропологик; 2) онтологик; 3) диалогик;
- *методологик ёндашуви:* инсонпарвар, алгоритмли, амалий йўналтирилган, қадриятга йўналтирилган ёндашув;
- *ривожланишинг етакчи омиллари:* 1) социоген; 2) психоген;
- *таҗрибани ўзлаштиришинг илмий концепцияси:* ассосациатив-рефлекторли + фаолиятли + ривожлантирувчи + бихевиористик;
- *шахсни ривожлантириши соҳасига йўналганлиги ва тузилиши:* БМО (билим, кўникма ва малака) + ЎзБМС (ўз-ўзини бошқариш механизми соҳаси) + ҲАС (ҳаракатли-амалий соҳа);
- *мазмунли тавсифи:* умумтаълимий;
- *ижтимоий-педагогик фаолият тури:* таълимий (дидактик), тарбиявий, ривожлантирувчи;
- *қўлланиладиган методлари:* 1) диалоги; 2) вазиятли; 3) бир-бирига тушунтириш; 4) бир-бирига ўргатиш; 3) мустақил иш; 4) харита билан ишлаш; 5) ўйин; 6) изланишли-тадқиқотчилик;
- *ташикилий шакллари:* 1) индивидуал; 2) гурӯхли; 3) жуфтликларда ишлаш; 4) жамоавий;
- *қўлланиладиган воситалари:* 1) тарқатма материаллар; 2) хужжатли фильмлар; 3) бадиий адабиётлар; 4) мультимедиа;
- *талабага ёндашув ва тарбиявий ўзаро ҳаракат тавсифи:* шахсга йўналтирилган;

- *модернизацион йўналишии ва анъанавий таълим тизимга муносабати:* ижтимоий-тарбиявий функцияни кучайтириш асосидаги педагогик технология;
- *қўлланилиши тоифаси:* умумий ўрта таълим мактаблари талабалари учун<sup>8</sup>.

**II. Технологиянинг номланиши: Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларида толерантлик фазилатини шакллантириш технологияси.**

**Технологиянинг таснифий белгилари:**

- *қўлланилиши даражаси ва тавсифига кўра:* локал даражада қўлланилиш тавсифига эга микротехнология;
- *фалсафий асосига кўра:* қадриятга йўналтирилган, инсонпарвар;
- *тажрибани ўзлаштиришининг илмий асосига кўра:* ассоциатив-рефлексорли ва интериоризаторли;
- *шахс ривожланишининг етакчи омилига кўра:* социоген ва психоген;
- *тузилишии ва мазмунли тавсифига кўра:* ижтимоий, тарбиявий.
- *қўлланиладиган метод, усул ва воситаларига кўра:* муаммоли, ривожлантирувчи, дилогли<sup>9</sup>.

“Методика” ва “технология” тушунчалари таҳлили асосида хулоса қилиш мумкинки, мазкур тушунчалар ўзаро алоқадорлик ва умумийликка эга бўлиши билан бирга айрим ўзига хосликлар билан ҳам тавсифланади.

<sup>8</sup> Қаранг: Михлиев А. Ўқувчиларда тарихий тафаккурни шакллантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2012.

<sup>9</sup> Юсупова Г. Мехрибонлик уйлари тарбияланувчиларида толерантлик фазилатини шакллантириш технологияси. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2011. – Б.24-25.

## **Мавзуга оид назорат саволлари**

1. Педагогик маҳорат элементлари.
2. Таълим-тарбия жараёнида педагогик маҳорат принциплари.
3. Педагогнинг маҳорати ва нутқи таълим-тарбия жараёнига таъсир кўрсатиши.
4. Педагогик муроҷот функциялари, тузилмаси ва турлари.
5. Педагогик техника элементлари ва уни эгаллаш йўллари.
6. Нутқ техникаси ва уни такомиллаштириш.
7. Нотиқлик санъати ва ундан фойдаланиш.
8. Педагогик муроҷотнинг вазифалари.

## **ТЕСТ САВОЛЛАРИ**

- 1. Замонавий шароитда педагогиканинг асосий вазифаси тўғри кўрсатилган жавобни топинг.**  
A) Кўллаб-қувватловчи таълимни ривожлантириш  
B) Таълим олувчиларда назарий билимларни таркиб топтириш  
C) Таълим олувчиларда аналитик (таҳлил этиш) фикрлашни ривожлантириш  
D) Прагматик ёндашувни қарор топтириш
  
- 2. XXI асрда “қўллаб-қувватловчи таълим”нинг муқобили сифатида юзага келган таълим турини аниқланг.**  
A) Ривожлантирувчи таълим  
B) Инновацион таълим  
C) Архаик таълим  
D) Схоластик таълим
  
- 3. Инновацион таълимнинг асосий мақсади нима?**  
A) Таълим олувчиларда келажаккка масъулият ҳиссини ва ўз-ўзига ишончни шакллантириш  
B) Таълим жараёни субъектларининг қизиқиши ва имкониятларини ошириш  
C) Ижтимоий амалиёт ривожланиши эҳтиёжлари ва олий таълим битирудиларининг реал тайёргарлик даражасининг ўзаро мослигини таъминлаш  
D) Тўғри жавоб йўқ
  
- 4. Инновацияларни жорий этиш жараёнида профессор-ўқитувчиларнинг хулқ-автори қандай кўринишларда намоён бўлиши мумкин?**  
A) Янгиликни инкор этиш, янгиликка қаршилик кўрсатиш,  
B) Янгиликни тадқиқ этишга киришиш  
C) Янгиликни татбиқ этиш доирасини кенгайтириш, янгиликни қўллашни анъянага айлантириш  
D) Барча жавоблар тўғри
  
- 5. Инновацион муҳит шароитида ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган қийинчиликларнинг ҳал қилинмаслиги қўйидаги салбий оқибатларни келтириб чиқаради?**  
A) Педагогнинг ўз ишидан қониқмаслиги; педагогик меҳнат самарадорлигининг пасайиши  
B) Психик зўриқишининг кучайиб бориши  
C) касбий деформацияларнинг тўпланиб бориши  
D) Барча жавоблар тўғри

- 6. Ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг касбий жиҳатларига нималарни киритиш мумкин?**
- A) Самарадорлик, ишонч, фаолият сифати орасидаги сабаб-оқибат алоқадорликлари ва фаолият субъектининг индивидуал ўзига хосликларини ўрганиш.
- B) Ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган қийинчиликларни унинг олий нерв фаолияти тизими ва сенсомотор ҳаракатлари орасидаги боғлиқликда кўриб чиқиши.
- C) Ўқитувчининг ижтимоий мавқеи, обрў-эътибори, уни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиши.
- D) Ўқитувчининг руҳий, жисмоний соғломлиги, турли касалликларни орттириши, уларни саломатликка таъсирини аниқлаб бериш
- 7. Ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг тиббий жиҳатларига нималарни киритиш мумкин?**
- A) Самарадорлик, ишонч, фаолият сифати орасидаги сабаб-оқибат алоқадорликлари ва фаолият субъектининг индивидуал ўзига хосликларини ўрганиш.
- B) Ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган қийинчиликларни унинг олий нерв фаолияти тизими ва сенсомотор ҳаракатлари орасидаги боғлиқликда кўриб чиқиши.
- C) Ўқитувчининг ижтимоий мавқеи, обрў-эътибори, уни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиши.
- D) Ўқитувчининг руҳий, жисмоний соғломлиги, турли касалликларни орттириши, уларни саломатликка таъсирини аниқлаб бериш
- 8. Ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган муаммоларни физиологик жиҳатларига нималарни киритиш мумкин?**
- A) Самарадорлик, ишонч, фаолият сифати орасидаги сабаб-оқибат алоқадорликлари ва фаолият субъектининг индивидуал ўзига хосликларини ўрганиш.
- B) Ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган қийинчиликларни унинг олий нерв фаолияти тизими ва сенсомотор ҳаракатлари орасидаги боғлиқликда кўриб чиқиши.
- C) Ўқитувчининг ижтимоий мавқеи, обрў-эътибори, уни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиши.
- D) Ўқитувчининг руҳий, жисмоний соғломлиги, турли касалликларни орттириши, уларни саломатликка таъсирини аниқлаб бериш
- 9. Ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг ижтимоий жиҳатларига нималарни киритиш мумкин?**
- A) Самарадорлик, ишонч, фаолият сифати орасидаги сабаб-оқибат алоқадорликлари ва фаолият субъектининг индивидуал ўзига хосликларини ўрганиш.

В) Ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган қийинчиликларни унинг олий нерв фаолияти тизими ва сенсомотор ҳаракатлари орасидаги боғлиқликда кўриб чиқиши.

С) Ўқитувчининг ижтимоий мавқеи, обрў-эътибори, уни ижтимоий ҳимоялаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиши

Д) Ўқитувчининг руҳий, жисмоний соғломлиги, турли касалликларни ортириши, уларни саломатликка таъсирини аниқлаб бериши

**10. Қуйидагилар орасидан қайсилари педагог шахсининг специфик ўзига хосликлари билан боғлиқликда юзага келадиган қийинчиликларга хос? 1) ўқитувчи меҳнатини ташкил этишда методик таъминотнинг етарли бўлмаслиги; 2) ўқитувчи фаолиятини баҳолашдаги формализм (юзакилик); 3) ўқитувчининг иккинчи даражали вазифаларга жалб этилиши; 4) педагогик фаолиятни амалга оширишда ички куч ва имкониятларнинг етарли эмаслиги; 5) соҳадаги ислоҳотлар билан боғлиқликда фаолиятни ўзгартириш имконини бермайдиган ўз-ўзини йўналтириш механизмининг бузилиши; 6) салбий психологик ҳолатлар (ишончсизлик, асабийлик, қўрқув, ўз фаолиятидан қониқмаслик ва бошқалар).**

А) 1,2,5      В) 4, 5,6      С) 1,2,3      Д) 2,4,5

**11. Куйидаги ўқитувчининг касбий фаолиятида юзага келувчи қийинчиликлар орасидан объектив шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлганларини аниқланг. 1) ўқитувчи меҳнатини ташкил этишда методик таъминотнинг етарли бўлмаслиги; 2) ўқитувчи фаолиятини баҳолашдаги формализм (юзакилик); 3) ўқитувчининг иккинчи даражали вазифаларга жалб этилиши; 4) педагогик фаолиятни амалга оширишда ички куч ва имкониятларнинг етарли эмаслиги; 5) соҳадаги ислоҳотлар билан боғлиқликда фаолиятни ўзгартириш имконини бермайдиган ўз-ўзини йўналтириш механизмининг бузилиши; 6) салбий психологик ҳолатлар (ишончсизлик, асабийлик, қўрқув, ўз фаолиятидан қониқмаслик ва бошқалар).**

А) 1,2,5      В) 4, 5,6      С) 1,2,3      Д) 2,4,5

**12. Технологик жараён қандай босқичларни ўз ичига олади?**

- А) Диагностик ва прогностик
- Б) Лойиҳалаш ва режалаштириш
- С) Анъанавий ва инновацион
- Д) Ижтимоий ва иқтисодий

**13. Профессор-ўқитувчиларнинг интерфаол методларни қўллашга доир билимларга эга бўлмаслиги уларда қандай компетентликни шакллантиришни тақозо этади?**

- А) Психологик
- В) Технологик
- С) Мотивацион
- Д) Когнитив

**14. Идентив ўқув мақсадларини ўқув вазифаларига айлантиришда қайси таксономиядан кенг фойдаланилади?**

- А) Кларк таксономияси
- Б) Блум таксономияси
- С) Лойд таксономияси
- Д) Кильпатрик таксономияси

**15. Ўқитувчи фаолиятида юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш қандай стратегияларга асосланишини талаб этади?**

- А) Касбий ривожланиш (конструктив стратегия)
- Б) Психологик муҳофаза (химоя стратегияси)
- С) Касбий деформация (деструктив стратегия)
- Д) Барча жавоблар тўғри

## **НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ**

1. Таълим-тарбия жараёнида педагогик маҳорат ва нутқ маданияти талаблари асосида фаолият юритиш.
2. Ўқитувчининг педагогик маҳорати.
3. Педагогик маҳорат элементлари.
4. Таълим-тарбия жараёнида педагогик маҳорат принциплари.
5. Педагогнинг маҳорати ва нутқи таълим-тарбия жараёнига таъсир кўрсатиши.
6. Педагогик мулоқот функциялари, тузилмаси ва турлари.
7. Педагогик техника элементлари ва уни эгаллаш йўллари.
8. Нутқ техникаси ва уни такомиллаштириш.
9. Нотиқлик санъати ва ундан фойдаланиш.
10. Педагогик мулоқотнинг вазифалари.
11. Педагогик мулоқот жараёнини моделлаштириш.
12. Педагог фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари.
13. Педагогик маҳорат-педагогик тизими ва унинг таркибий қисмлари.
14. Педагогик маҳоратни эгаллаш босқичлари.
15. Педагог фаолиятининг асосий ташкил этувчилари.
16. Педагогнинг ташқи қўриниши ва унинг мақсадли йўналганлиги.
17. Педагогик мулоқот ҳақида тушунча.
18. Ўқитувчининг нутқ одоби.
19. Овоздан фойдаланиш.
20. Ўқитувчи маъruzага тайёргарлик кўриши ва чиқиши.

## МАЛАКАВИЙ ИШ МАВЗУЛАРИ

1. Олий таълим тизимини модернизациялашнинг педагогик- психологик аспектлари
2. Педагогиканинг долзарб муаммолари ва замонавий концепцияси.
3. Олий таълимда илғор педагогик технологияларни татбиқ этиш муаммолари
4. Талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларини ташхис этиш муаммолари
5. Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этишнинг инновацион воситалари.
6. Педагогик мулоқот функциялари, тузилмаси ва турлари.
7. Педагогик техника элементлари ва уни эгаллаш йўллари.
8. Нутқ техникаси ва уни такомиллаштириш методикаси.
9. Нотиклик санъати ва ундан фойдаланиш йўллари.
10. Педагогик мулоқот жараёнини моделлаштириш.
11. Педагогнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш.
12. Педагогик маҳорат-педагогик тизими ва унинг таркибий қисмлари.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ УЧУН САВОЛЛАРИ**

1. Диалогик таълим моҳияти
2. Узлуксиз таълим тизимининг моҳияти
3. Таҳсил олувчиларни ўқиб-ўрганишга қизиқишини уйғотиш омилари
4. Давлат таълим стандартларида таълим мазмуни
5. Монологик таълим элементлари ва улардан фойдаланиш
6. Ноанъанавий дарслар- юқори самарадорлик омили
7. Таълим тарбия жаарёнида ҳамкорлик ишлари
8. Таълим-тарбия ишини ҳаракатлантирувчи кучлари
9. Таълим мазмуни белгиловчи ҳужжатлар.
10. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг асосий мақсади
11. Таълим мазмунининг барқарорлиги ва динамик ўзгарувчанлигининг моҳияти
12. Таълим-тарбия ишининг конуниятлари
13. Индуктив ва дедуктив методлари ва улардан фойдаланиш.
14. Ноанъанавий дарсларнинг камчилик ва афзалликлари
15. Дарс натижасига таъсир этувчи омиллар
16. Тушунарлилик принципининг моҳияти.
17. Таълим-тарбия ишида муаммолилик принципи
18. Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва таркибий элементлари
19. Онглилик ва фаоллик принципининг моҳияти
20. Билим, кўникма ва малакаларни шаклланиш тартиби
21. «Таълим методи» тушунчаси ва унинг моҳияти
22. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурни рўёбга чиқариш босқичлари ва моҳияти
23. Амалий таълим методлари
24. Узлуксиз таълим тизими
25. Таълим жараёнининг натижасини назорат қилиш ва баҳолаш
26. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг асосий мақсади
27. Таълим методларининг бинарлик хусусияти
28. Педагогиканинг фанлараро боғлиқлиги

## **ГЛОССАРИЙ**

**Авторитар таълим–тарбия** – ўқувчини ўқитувчига бўйсундиришдан иборат бўлган таълим тарбия усули.

**Авторитар технология** – 1) анъанавий таълим жараёнининг ифодаси бўлиб, ўқитиш жараёнида ўқувчи обьект, ўқитувчи субъект сифатида фаолият кўрсатишига асосланган тизим; 2) ўқув-тарбия жараёнида ўқувчини бўйсундириш асосида бошқариш технологияси.

**Анализ методи** – 1) педагогик тадқиқот методи бўлиб, унда текшириш обьекти фикран таркибий элементларга ажратиб тадқиқ қилинади; 2) ўқув вазиятини ҳар томонлама таҳлил қилиш, чукур текшириш, ўрганиш.

**Аналитик метод** – таҳлил қилишга йўналтирилган таълим методи.

**Аниқлаштириш методи** – умумий назариядан айрим қўллашларга ўтиш ёки мавхумликдан аниқ қўп хилликка ўтиш; аниқлаштириш натижаларини белгили расмийлаштириш (мисол, масала, чизма, модель, алгоритм, хисобот, иншо в ҳ.к.) лар мажмуюи.

**Баркамол шахс** – камолга етган, бекаму кўст, тўла-тўқис инсон, ақлан ва ахлоқан пок, жисмонан соғлом, нафосатли, жамиятда ўзлигини таниган, мустақил фикрлайдиган, эркин, ижодкор, ташаббускор, ишбилармон, фидоий шахс.

**Барқарорлик** – доимий, мустаҳкам амал қилувчи ҳолатга эришиш, шунингдек, ушбу ҳолатнинг доимиyllиги, мустаҳкамлигини ифодаловчи педагогик тушунчалар.

**Баҳо** – таълим олувчилар билим, кўнирма ва малакаларининг миқдорий баҳолашда бал ёки рақамлар воситасида шартли ифодаланиши.

**Баҳолаш** – ўқувчи ёки талабанинг эгаллаган билим, кўнирма ва малакалари ҳамда шахсий сифати даражаларини белгилаш.

**Билим** – ўқувчи ва талабаларнинг табиат, жамият, фан-техника ютуқлари ҳақида ҳосил қилган маълумотлари. Ўқувчи ёки талабаларга тақдим этиладиган назарий маълумот.

**Билим, кўнирма ва малакаларни мустаҳкамлаш** – ўқитувчининг ўқув материалларини тақдим этиш жараёнида мустаҳкамлик принципини таъминлашга қаратилган маҳсус ишлари.

**Билимдон** – катта назарий маълумотга эга бўлган ўқимишли, илмли, билимли шахс.

**Билимсиз** – билим ва маълумотга эга бўлмаган ўқимаган шахс.

**Билиш** – 1) таълим жараёнида ўқувчи ва талабаларга тақдим этилган ўкув материалининг ўзлаштирилганлик даражаси; 2) борлик ва унинг объектив қонуниятларни ўрганиш, ўзлаштириш, эгаллаш.

**Билиш компоненти** – бошқаларни ва ўз-ўзини билишга қаратилган психик жараёнлар: сезги, идрок, тасаввур, хотира, тафаккур, хаёл ва ҳ.к.

**Билиш назарияси** (гносеология, эпистемология) – билиш қонуниятлари ва имкониятлари, билимнинг объектив реалликка муносабатини ўрганади, билиш жараёнининг босқичлари ва шаклларини, билишнинг ишончлилиги ва ҳаққонийлиги шартлари ва мезонларини тадқиқ қиласди.

**Валеология** – (лот. Valeo – саломатлик, logos – таълимот) инсон шу жумладан ўқувчи саломатлиги ҳақидаги таълимот.

**Валидлик** – тадқиқ этилаётган ҳодисалар соҳасига оид маълумотлар ва уларга нисбатан ташхисий муолажа репрезентативлигини ифодаловчи методиканинг мажмуавий тавсифномаси(тест).

**Ватанпарварлик** – ўқувчи ва талабаларнинг она-юртига, ўз ватанига муҳаббати ва садоқатини ифодалайдиган тушунча.

**«Вен диаграммаси» стратегияси (методи)** - ушбу стратегия таҳсил олувчиларда мавзуга нисбатан таҳлилий ёндашув, айрим қисмлар негизида мавзунинг умумий моҳиятини ўзлаштириш умумлаштириш кўникмаларини ҳосил қилишга йўналтирилади.

**Вербал** – инсоннинг товушли нутқига алоқадор жараён.

**Вербал мuloқot шакллари** – сўз, маъруза, суҳбат, савол-жавоб, насиҳат, мунозара, баҳс, хабар, табриқ, танбех, саломлашиш-ҳайрлашиш кабилардан иборат мулокот тури.

**Глобал таълим** (франц. global- умумий, лот. globus-шар) – 1) бутун ер шарини камраб олувчи таълим; 2) хар томонлама, тўлиқ, ялпи, универсал таълим; 3) кенг қамровли универсал таълим.

**Гнесеологик педагогик негиз** – педагогика назариясининг ижтимоий - сиёсий, табиий, маданий-маънавий борлиққа муносабати ва уни акс эттириши.

**Гнесология** – билиш ҳақидаги таълимот.

**Гнозия** – қўшма сўз таркибий қисми бўлиб «**билим**» маъносини англатади.

**Гностик кўникма** – бўлажак мутахассис шахсини касбий фаолиятни ижодий жиҳатдан амалга оширишга йўналтирилиш, унинг тадқиқотчилик характеристини ифодаловчи кўникма.

**Грамматик мактаб** – 1) қадимги Афинада 7-12 ёшдаги ўғил болалар учун ташкил этилган бошланғич мактаб. Унда ўқиши, ёзиши ва ҳисоблаш, ҳарфларни қўшиб

сўз ясаш кўникмалари шакллантирилган; 2) Қадимги Рим патрицийлар (Қадимги Рим дастлабки туб жой аҳолиси) фарзандлари ва чавандозлар учун юқори даражадаги бошлангич мактаб. Унда грамматика, Рим адабиёти ва юонон тилидан таълим берилган; 3) Буюк Британия ҳудудида олий ўқув юртига кириш учун тайёрловчи ўрта умумтаълим мактаблари. 4) Россияда 17 асрда айрим монастирларда юонон ва лотин грамматикаси, қадимги дунё адабиётини ўрганиш учун ташкил этилган мактаб.

**Дидактик бирлик** – қўшиш, қўпайтириш, конспектлаштириш, сана ва сўзларни эсда сақлаб қолиш, тест ўтказиш, оптимальлаштириш усуллари.

**Дидактик марказлашган педагогик технология** – бола шахсига мутлақ бефарқ муносабатни ифодаловчи технология.

**Дидактик материал** – кўргазмали ўқув қўлланмаларнинг маҳсус турлари.

**Дидактика** – 1) педагогиканинг таълим назарияси билан шуғулланадиган тармоғи; 2) таълим назарияси.

**Дидактизм** – педагогиканинг таълим ва унинг методлари ҳамда ташкилий шакллари ҳақидаги бўлими.

**Педагогик муаммо** (грек. problema – топшириқ, вазифа) – таълим олувчи томонидан билим ва тажрибалари асосида тегишли вазиятда юзага келган қийинчилик ва зиддиятларни ҳал этиш зарурлигини англаш ҳодисаси.

**Педагогик муроқот** – билиш ёки баҳолаш характеридаги ахборот алмашув жараёнида икки ёки ундан ортиқ шахс (ўқитувчи, ўқувчи)нинг ўзаро таъсирга эга фаолияти.

**Педагогик муносабат** – таълим жараёни элементларининг ўзаро алоқадорлиги.

**Педагогик мутахассис** – муайян педагогик фаолият билан мунтазам шуғулланадиган шахс.

**Педагогик мухит** – ўқувчилар, талабалар учун узлуксиз таълим жараёни, оиласда яратилган таълим-тарбиявий жараён.

**Педагогик назария** – илмий билишни нисбатан юқори ташкилий шакли, педагогиканинг қонуниятлари ҳамда ўқув-тарбия жараёни орасидаги алоқадорликни ифодаловчи яхлит ёндашувлар тизими; 2) таълим-тарбияга оид қарашлар, ёндашувлар, қонуниятлар ва тамойиллар тизими; 3) Олий ўқув юртлари учун ўқув курси.

**Педагогик негиз** – педагогиканинг доираси, мақсад ва вазифалари нуқтаи назаридан белгиланиши ва ўрганилиши.

**Педагогик неология** – 1) педагогика назарияси ва амалиётидаги янги ёндашувлар, назариялар; 2) педагогика фани ва таълим тизимида янгилик яратиш ҳақидаги таълимот.

**Педагогик парадигма** – педагогикадаги илмий муаммоларни ҳал этиш намунаси сифатида қабл қилинган назария.

**Педагогик позиция – 1)** дунёни билишнинг ақлий, қатъий иродавий педагогик тизими ҳамда педагогик фаолият муносабатлари; **2)** педагогнинг таълим-тарбия жараёнига бўлган ёндашуви, қарашлари.

## **ДИДАКТИК ВА ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР**

### **Модулнинг номланиши:**

**ПЕДАГОГИК ФАНЛАРНИНГ  
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ ВА  
ЗАМОНАВИЙ КОНЦЕПЦИЯСИ**

**Машғулот мавзуси: Педагогик  
фаолиятни ташкил этиш билан боғлик  
муаммолар ва ҳал этиш стратегиялари**

### **Режа:**

1. Педагог фаолиятида юзага келадиган муаммоларнинг ўрганишнинг зарурияти ва ўзига хос жиҳатлари.
2. Педагог фаолиятида юзага келадиган муаммоларнинг келиб чиқиш сабаблари.
3. Касбий етуклик даражаси билан боғлиқликда педагог фаолиятида юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш стратегиялари.

## **МУСТАҚИЛ ЎҚИШ УЧУН АДАБИЁТЛАР**

1. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006.
2. Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.
3. Актуальные вопросы современной педагогической науки: материалы III Международной заочной научно-практической конференции. 20 ноября 2010 г. / Отв. ред. М.В. Волкова – Чебоксары: НИИ педагогики и психологии, 2010.
4. Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2012.

## **Савол:**

**Сизнингча, замонавий ўқитувчи  
фаолиятида қандай қийинчиликлар  
кўзга ташланмоқда? Ўз  
фаолиятингизда қандай  
қийинчиликларга дуч  
келмоқдасиз?**

## **Муаммонинг долзарблиги**

Ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг ҳал қилинмаслиги қуйидаги салбий оқибатларни келтириб чиқаради:

- 1) педагогнинг ўз ишидан қониқмаслиги;
- 2) педагогик меҳнат самарадорлигининг пасайиши;
- 3) психик зўриқишининг кучайиб бориши;
- 4) касбий деформацияларнинг тўпланиб бориши ва бошқалар.

### **Ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ўрганишнинг асосий аспектлари**

1. Касбий. Ушбу жиҳат билан боғлиқ қийинчиликлар самарадорлик, ишонч, фаолият сифати орасидаги сабаб-оқибат алоқадорликлари ва фаолият субъектининг индивидуал ўзига хосликларини ўрганиш билан тавсифланади.
2. Физиологик. Мазкур аспект ўқитувчи фаолиятида юзага келаётган қийинчиликларни унинг олий нерв фаолияти тизими ва сенсомотор характеристлари орасидаги боғликликда кўриб чиқади.
3. Ижтимоий. Ушбу жиҳат билан боғлиқ қийинчиликлар ўқитувчининг ижтимоий мавқеи, обрў-эътибори, уни ижтимоий химоялаш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқишни тақозо этади.
4. Тиббий. Мазкур аспект фаолиятдаги қийинчиликларни ўқитувчининг руҳий, жисмоний согломлиги, турли касалликларни орттириши, уларни саломатликка таъсирини аниклаб беради.

## **Савол:**

**Сиз нима деб ўйлайсиз, касбий  
(профессионал) қийинчиликлар  
қандай кўринишларда намоён  
бўлиши мумкин?**

### **Касбий фаолият билан боғлиқликда юзага келадиган қийинчиликлар**

Касбий фаолият билан боғлиқликда юзага келаётган қийинчиликлар қуйидаги кўринишларда намоён бўлиши мумкин:

- 1) фаолиятнинг объектив шарт-шароитлари. Яъни шахснинг ўз фаоллигини намоён қилишга тўсқинлик қилиниши, бошқача айтганда баръерларнинг мавжудлиги;
- 2) шахснинг ўзига хос психологик хусусиятлари.

## **Савол:**

Ўқитувчи касбий фаолиятида  
қийинчиларни юзага  
келтирувчи объектив шарт-  
шароитларга нималарни  
киритиш мумкин?

Ўқитувчининг касбий фаолиятида юзага  
келувчи қийинчиликларнинг объектив шарт-  
шароитлари

- 1) ўқитувчи меҳнатини ташкил этишда методик таъминотнинг етарли бўлмаслиги;
- 2) ўқитувчи фаолиятини баҳолашдаги формализм (юзакилик);
- 3) ўқитувчининг иккинчи даражали вазифаларга жалб этилиши.

## **АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2012.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, –Т.: 2008.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: Ўзбекистон, – Т.: 2011.
4. Каримов И.А. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли қарори.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли қарори.
8. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Т.: Чўлпон, 2005.
9. Актуальные вопросы современной педагогической науки: материалы III Международной заочной научно-практической конференции. 20 ноября 2010 г. / Отв. ред. М.В. Волкова – Чебоксары: НИИ педагогики и психологии, 2010.

10. Байбаева М.Х. Касб-хунар коллежи ўқувчиларининг мустақил ишларини ташкил этишда педагогик технологиялардан фойдаланиш методикаси: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2012.
11. Воинова М.Г. Педагогические технологии и педагогическое мастерство. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2006. – 160 с.
12. Гейдебрандт К.Ф. Учебный план свободной вальдорфской школы. \\ Частная школа. – 1997. № 2
13. Гимпель Н.Л. Условия продуктивного разрешения педагогического конфликта // Психология обучения. – 2002, №7. С. 12-16.
14. Гордон Драйден, Джанет Вос. Революция в обучении. – перевод с англ. – М.: Парвинэ, 2003.
15. Гузеев В. В. Интегральная образовательная технология. – М., 1999.
16. Гузеев В.В. Образовательная технология: от приема до философии. М.: Сентябрь, 1996.
17. Гузеев В.В. Планирование результатов образования и образовательная технология.- М.: Народное образование, 2000.
18. Дьяченко В.К. Новая дидактика. – М., 2001.
19. Ижтимоий педагогика. / Эгамбердиева Н.- Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. – 232 б.
20. Жукова Е.Д. Технология организации и реализации самостоятельной работы студентов : рабочая тетр. – Уфа : Изд-во БГПУ, 2004.
21. Загвязинский В.И. Теория обучения. Современная интерпретация. – М., 2001.
22. Зуфаров Ш. Педагогик инноватика. – Т.: “Fan va texnologiyalar” нашриёти, 2012.
23. Кашлев С. С. Современные технологии педагогического процесса. Мин.: “Университетское”, 2000.
24. Колесникова И. А. Педагогическое проектирование: Учеб.пособие для высш. учеб. заведений / М: Издательский центр «Академия», 2005.

25. Левина М.М. Технология обучения, роль в структуре педагогического знания. (Разработка и внедрение гибких технологий обучения педагогическим дисциплинам). М.: МГПИ, 1991.
26. Левитес Д.Г. Современные образовательные технологии. Новосибирск, 1999.
27. Мардонов Ш.Қ. Янги таълимий қадриятлар асосида педагог кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш. – Т.: Фан, 2006.
28. Монахов, В.М., Бахусова, Е.В., Власов, Д.А. Педагогические технологии как дидактический инструментарий модернизации образования. – М. – Тольятти: ВУиТ, 2004.
29. Монахов, В.М., Бахусова, Е.В., Олейникова, И.А. Педагогическая технология В.М.Монахова от А до Я: самоучитель проектирования учебного процесса: Липецк: ИРО, 2007.
30. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А. Касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда мустақил таълимни ташкил этиш. – Т.: Низомий номидаги ТДПУ. Методик қўлланма. 2006.
31. Новые педагогические и информационные технологии в средней школе / Под ред. Е.С. Полат. М., 1999. 224 с.
32. Новые педагогические и информационные технологии в системе образования: Учеб. пособие для пед. вузов и системы повыш. квалиф. пед. кадров Под ред. Е.С. Полат. – М.: Издат. центр «Академия», 2001.
33. Новый толково-словообразовательный словарь русского языка. Автор Т. Ф. Ефремова. – М.: «Русский язык», 2000.
34. Олешков М.Ю. Современные образовательные технологии: учебное пособие. – Нижний Тагил: НТГСПА, 2011.
35. Сайидаҳмедов Н.С. Янги педагогик технологиялар. – Т.: Молия, 2003.

36. Самостоятельная работа студентов: метод указания / сост.: А.С.Зенкин, В.М.Кирдяев, Ф.П.Пильгаев, А.П.Лаш – Саранск: Изд-во Мордов. ун-та, 2009.
37. Селевко Г. К. Саморазвивающее обучение. Ярославль: ИПК, 1996.
38. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии: Учебное пособие. – М.: Народное образование, 1998.
39. Селевко Г.К. Энциклопедия образовательных технологий: В 2 т. Т.1. – М.: НИИ школьных технологий, 2006.
40. Современные образовательные технологии: учебное пособие/под ред. Н.В. Бордовской. – М.: КНОРУС, 2010.- 432с.
41. Сенькина Г.Е., Емельченков Е.П., Киселёва О.М. Методы математического моделирования в обучении: монография. – Смоленск.: Смол.гос. ун-т, 2007.
42. Сластенин В.А. Исаев И Ф., Шиянов Е.Н. Общая педагогика. В 2-х ч. – М.:ВЛАДОС, 2003. Ч.1
43. Степанов Р.И. Технологический подход к гуманизации образования. // Наука и образование. – 2003. - № 3.
44. Степихова В. Педагогика Френе в Швейцарии // Частная школа. 1995. №3.
45. Столяренко А.М. Психология и педагогика. М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008.
46. Столяренко Л.Д., Самыгин С.И. 100 экзаменационных ответов по педагогике: Экспресс-справка для студентов вузов. – Ростов н/Д: МарТ, 2000.
47. Сытин Г. Н. Самоубеждение как средство воспитания и оздоровления личности: Автореферат докторской диссертации на соискание степени доктора педагогических наук: – М., 1994.
48. Технологии обучения: сущность, опыт применения и проблемы развития: Доклады и материалы к научно-практической конференции. – М., 1997.

49. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006.
50. Хуторской А.В. Дидактическая эвристика. – М., 2003.
51. Хуторской А.В. Современная дидактика. – СПб., 2001.
52. Ярматов Р. Бўлажак ўқитувчи шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш. – Т.: “Fan va texnologiya” нашриёти, 2009.